Боқий фикр

*Ватани борнинг бахти бор, Меҳнати борнинг - тахти.*

Ўзбек халқ мақоли

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT ~ XALQ ZIYOLILARI GAZETASI ~ معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 9-yanvar, chorshanba № 3 (8548)

# БИЛИМДОНЛАР СИНОВ МАЙДОНИДА

*Fan olimpiadasi — 2013*

**Республикамизнинг барча ҳудудларида умумтаълим фан олимпиадаларининг туман босқичи бўлиб ўтмоқда.**

Юнусобод туманидаги 274-мактабда ўтказилган синовда 17 фан бўйича тумандаги 40та мактабдан 570 ўқувчи ғолиблик учун беллашди. Иштирокчилар 1-тур — ёзма иш синовларида ўз билимларини намоён этдилар.

— Ёзма(амалий) ишлар Давлат таълим стандартларига мос равишда, мазмунан тўғри, хатолардан холи, ўқувчининг ёши, психофизиологик хусусиятларига мос тайёрланган, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, 288-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Дилфуза Турдиева. — Баҳолаш жараёнида иштирокчиларнинг масалаларни ечишда шартларни қай даражада тўлиқ, мантиқан фикрлаб, изоҳлаб берганига, жавобларнинг аниқлигига, реакция тенгламалари ва формулаларининг тўғри ифодаланганига эътибор бердик.



Топшириқларни бажариш учун ажратилган вақт тугаб, ўқувчилар бирин-кетин хоналардан чиқишди. Уларнинг илк таассуротлари билан қизиқдик.

— Она тили ва адабиёт фанидан иштирок этдим, — дейди 117-мактаб ўқувчиси Сурайё Каримова. — "Мен севган шоир" мавзусида Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида иншо ёздим. Бунда шоир ғазаллари, таржимаи ҳолини пухта ўрганганим асқотди.

Туман босқичининг кейинги турларида билимдонлар тест синовлари, амалий иш(табиий фанлардан) ҳамда оғзаки(ижтимоий фанлардан) суҳбатларда эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини намойиш этдилар.

II босқич беллашувлари Олмазор туманидаги 249-мактабда ҳам ўтказилди. Унда жами 1014 ўқувчи қатнашди. Барча турларда муваффақиятли иштирок этган ғолиблар фан олимпиадаларининг III босқичга йўл олади.

**Ғолиб БАҲРОМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ҲАЛОЛЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ

**ФИФАнинг бош тадбирида мазкур сўзлар дунё бўйлаб янгради**




**Ортда қолган 2012 йил юртдошларимиз учун кўплаб эсда қоларли воқеликларни ҳадя этди. Айниқса, ўзбек футболи Осиё қитъаси ва жаҳон миқёсида кетма-кет улкан муваффақиятларга эришгани мамлакатимиздаги миллионлаб ихлосмандларнинг кўнглига яна шодлик олиб кирди. Табиийки, бундай зафарлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Президентимиз раҳнамолигида ёш иқтидорларни кашф этиш, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.**

**(Давоми 15-бетда.)**

## АЛП—ОНАДАН

**ёхуд оилада "холдинг муҳит"ни яратиш зарурати хусусида**

**Кўплаб тадқиқотлар боланинг ижтимоий-психологик ривожланиши онасидаги раҳмдиллик ва зийраклик билан боғлиқлигини кўрсатади. Хусусан, жуда меҳрибон болаларнинг оналари ўта зийрак экани ва боласининг саволларига ҳушёрлик билан жавоб қайтариши аниқланган. Улар фарзанди эҳтиёжини зийраклик билан аниқлай олишади ҳамда унга қачон, нима кераклигини юз ҳаракатлари ва овозидан билиб, шунга яраша иш тутишади.**

5-бет ›

## УЙГА ВАЗИФА

**ёхуд ўқувчининг билимларни мустақил эгаллашга ҳаракат қилиши нечоғли аҳамиятга эгалиги хусусида**

**Топшириқ беришда бошқа ўқув фанлари юкламаларини ҳам инобатга олиш лозимки, 1-синфга 4—8 сатр, 2-синфга 8—10 сатр, 3—4-синфларга эса 16 сатргача (машғулотда ўтилган мавзуга оид) шеър ёки матн ёдлашга бериш мумкин. Юқори синфларда бу меъёр 16—30 мисрагача белгиланади.**

7-бет ›

*14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni*

# «МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!»

**танлови ўқувчилар қалбида ватанпарварлик туйғусини юксалтирмоқда**

Мамлакатимизда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида бурчга садоқат, юртга содиқлик туйғуларини шакллантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 14 январь — "Ватан ҳимоячилари куни"ни юқори савияда ташкил этиш борасида таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар шулар жумласидандир. 15 декабрдан — 14 январга қадар эълон қилинган "Ҳарбий ватанпарварлик" ойлиги доирасида оммавий ватанпарварлик тадбирлари амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларида "Ватанимиз келажагини қуришга барчамиз масъулмиз", "Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат" каби мавзуларда тарбиявий соатлар ўтказилмоқда. Қолаверса, республикамиздаги мавжуд 301та Болалар мусиқа ва санъат мактабида "Мардлар қўриқлайди Ватанни!" шиори остида ҳарбий-ватанпарварликка оид қўшиқлар танлови кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда. Шу кунга қадар танловнинг мактаб ва туман босқичлари ўтказилиб, ғолиб ўқувчилар навбатдаги босқичга тайёргарликни қизғин олиб бормоқда.

— Бизнинг болалар мусиқа ва санъат мактабимизда ҳам илк бора Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ёш ижрочилар кўрик-танлови ўтказилди, — дейди Юнусобод туманидаги 26-сонли БМСМ директори Наира Гусейнова. — Туман босқичида бўлиб ўтган ушбу танловда Юнусобод туманидаги 1-, 13- ҳамда 26-БМСМидан тўққиз нафар ўқувчи иштирок этди. Истеъдодли ўқувчилар ижросида янграган Ватанимиз ҳимоячилари, аскарлар, юртимиз мадҳи, мустақил Ўзбекистонимиз мавзуларига оид қўшиқлар барчага бирдек манзур бўлиб, мароқ билан тингланди. Ҳайъат аъзолари томонидан кўрик-танлов иштирокчиларининг ижролари 25 балли тизим асосида баҳоланди. Натижада 1-ўрин 13-сонли БМСМ ўқувчиси Диана Идрисова ҳамда 1-сонли БМСМ ўқувчиси Сабина Мустаевага насиб этди. Эстрада вокал йўналишида таҳсил олаётган бу икки иқтидорли ўқувчимиз танловнинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Юртимизда "Ватан ҳимоячилари куни"ни кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида ўтказилган тадбирлар байрам тусини олмоқда.

**Гулюз ОРИФЖОНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

**Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа ходимлари зиммасига ёш авлодга чет тилларни янада мукаммал ўргатиш, бир нечта хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тайёрлаш вазифасини юклади. Хўш, бунинг учун нималарга эътибор бериш, қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?**

# ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

*Anjuman*

Наманган вилоятидаги шаҳар ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳамда умумтаълим мактаблари раҳбарлари йиғилишида шу масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар қарордан кўзланган мақсад, унда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилиши зарур чора-тадбирларга алоҳида тўхталди. Чунончи, чет тиллар, энг аввало, инглиз тили фани ўқитувчилари малакаси ва тажрибасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини педагогик ахборот-коммуникация воситалари ва технологиялари билан таъминлашни кучайтириш долзарб вазифалар экани қайд этилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Турғунов йиғилганларни шу кунларда ҳудудда қарор ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар, таълим муассасаларининг чет тили, хусусан, инглиз тили фани ўқитувчиларига эҳтиёжини қондиришга оид истиқболли режалар билан таништирди.

Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълимни ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Ф.Аҳмедов умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг янги, замонавий усулларини жорий этиш, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар билан таъминлаш тартиблари, фан ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан амалга оширилиши режалаштирилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Анжуман қатнашчилари хорижий тилларни ўргатиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларда чет тилларда эркин мулоқот қилиш кўникмасини шакллантиришга доир мулоҳазаларини билдирдилар.

Худди шундай йиғилишлар Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳам ўтказилди.

**Ғанишер АКБАРОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# ОРАСТАЛИК ОБОДЛИК ДЕБОЧАСИДИР

**Чирчиқ тиббиёт коллежида ташкил этилган "Ораста қизлар" тўгараги ёшларда шахсий гигиеник қоидаларни тўғри шакллантириш, ўз хонадони ва атроф-муҳит тозалигига эътиборни кучайтириш, экологик ҳамда тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда.**

— Ободлик кўнгилдан бошланади, деган нақл бор халқимизда, — дейди коллежнинг хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Гулноз Ражабова. — Таълим муассасамизнинг "Ораста қизлар" тўгарагига раҳбарлик қилаётган ҳамшира ёки шифокорлар ишларни илмий-амалий тиббиёт асосида тартибга солишган. Бу ерда оила психологияси ва рўзғор тутиш сирлари ҳақида ҳам кичик доирадаги тадбирлар режаси тузилган бўлиб, улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, "Менинг оилам — энг тоза ва обод хонадон", "Тоза қўллар — саломатлик гарови", "Ораста ширинмиз", "Энг соғлом оила" каби мавзулардаги иншолар танлови ўқувчиларнинг ҳам назарий, ҳам амалий билимларини юксалтиришга хизмат қилди.

Ораcталик ободлик дебочасидир. Шу боис тўгарак аъзолари "Обод турмуш йили"да ўз олдига янги ва қатъий вазифаларни қўйган. Айни пайтда коллежда тегишли ташкилот, идора ҳамда муассасалар билан ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга ҳаракат қилинмоқда. Олиб борилаётган барча ишлар маънавий етук, жисмонан соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Дилновоз ЙЎЛДОШЕВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**



# БАРКАМОЛЛИККА ИНТИЛИБ

**Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол вояга етказиш борасида Нукус шаҳридаги 8-мактабгача таълим муассасасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.**

Бу ерда 255 нафар ўғил-қиз замон талаблари асосида таълим-тарбия олмоқда. Йигирмага яқин моҳир тарбиячи болалар қалбига йўл топиб, уларнинг мантиқий фикрлашини, интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётир.

Мазкур муассасада турли маданий, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади. Жумладан, "Ўзбекистон — менинг ватаним", "Олтин куз", "Конституция — бахтимиз қомуси" мавзуларидаги очиқ дарслар, "Боғча маликаси", "Мен аскар бўламан" каби кўрик-танловлар болаларнинг иқтидори ва салоҳиятини кашф этишга хизмат қилмоқда.

***Суратда: тарбиячи Гуля Маденова тарбияланувчилар билан машғулотда.***

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙЎЛИДА

**Жаҳон банкининг Мослаштирилган кредитлаш дастури доирасида молиялаштирилган "Мактаб таълимини ривожлантириш лойиҳаси" асосида мактабимиз замонавий ўқув методик материаллар, кўргазмали ва техник жиҳозлар билан таъминланди.**

Лойиҳа бўйича таълим муассасамизга 1—4-синфлар учун 1612 АҚШ доллари миқдорида 54 турдаги кўргазмали қуроллар, ўқув-методик материаллар тақдим этилди.

2012 йил октябрь ойида лойиҳанинг 2-босқичи бўйича берилган буюртмага асосан 5—9-синфлар учун ҳам ўқув-методик материаллар ва ресурслар келтирилди. Бугунгача 12та нетбук, проектор, 6 фан бўйича мультимедиа ресурслари, 44та бадиий адабиёт, мусиқа асбоблари, ёш рассомлар учун мольберт ва тикувчиликка қизиқаётган ёшлар учун бичиш столи келтирилди. Ўқитувчи ўқувчилар улардан унумли фойдаланишмоқда. Ўқитувчилар компьютердан унумли фойдаланиб, ўзларига зарур материаллар, ҳисоботлар, дарс ишланмаларини тайёрламоқда. Ҳар бир ўтказилган тадбир, очиқ дарслар рақамли фотоаппарат ёрдамида суратга олиниб, мактаб компьютер базасига жойлаб борилмоқда.

**Дилбар ОРТИҚОВА,**
**Янгибозор туманидаги 20-мактаб директори, Халқ таълими аълочиси**

***O'rta maxsus ta'lim muassasasining nufuziga qarab emas, balki o'z salohiyatiga ko'ra kasb tanlash lozimligi ta'kidlanadi.***

**Jarayon**

**Аҳмад болалигидан осмонўпар биноларга ҳавас билан боқар, келажакда шундай уйлар қурадиган катта уста бўлиш истагида эди. Аммо болалик ҳаваслари ота-она хоҳиши олдида ожиз қолди. Мактабни битириш арафасида ҳуқуқшунос бўлишга "кўндиришди". Ундаги иқтидор ва қизиқишни сезиб юрган меҳнат таълими ўқитувчиси бу ўзгаришдан ташвишга тушди. Мактаб психологи Мўътабар Ҳамидова ҳам вазиятга эътиборсиз эмасди. Ахир, ўқув йили боши ва ўртасида олинган сўровномада "Қандай касб танлайсиз?" деган саволга "архитектор" дея жавоб берган ўқувчи ҳал қилувчи паллада "ҳуқуқшунос" бўлишни хоҳлаб қолгани ажабланарли эди-да. Шогирди тақдиридан безовталанган ҳар икки ўқитувчи директордан ёрдам сўрашди. Мактаб раҳбари оғир-босиқлик билан вазиятни таҳлил қилди. Ўқувчининг ота-онаси билан суҳбатлашди. Аввалига ўз сўзида қатъий туриб олган катталар директорнинг мулоҳазаларидан кейин ўйлаб қолишди. Ўзи хоҳламаган касбни танлашга мажбурлаш фарзандининг тақдирига салбий таъсир кўрсатиш билан баробарлигини англаб етишди. Аҳмад ўзи истаган йўналишдаги касб-ҳунар коллежини тамомлади. Ҳозир Тошкент архитектура қурилиш институтида ўқимоқда. Бундан бениҳоя хурсанд. "Яхшиям, вақтида қизиқишимни англаганим, бўлмаса, дипломни сандиққа солиб қўйиб, ўзим устачилик қилармидим!?" дейди у ўша воқеаларни эслаб.**

# КАСБ ТАНЛОВИ — ТАҚДИР ТАНЛОВИ

Бугун ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ўқувчининг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда психологик ёндашувга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу жараён мавсумий бўлмай, доимий вазифага айланди. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўрганилиб, битирувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари янада такомиллаштирилмоқда. Ота-оналар ва битирувчиларга берилаётган маслаҳат, амалий ёрдам натижасида ёшлар ўртасида касб танлаш маданияти ошди. Мисол учун, эҳтиёж бўлса-бўлмасада доимо энг кўп ўқувчилар танлайдиган педагогика йўналишидаги таълим муассасаларига олдинги йилга нисбатан 18381 нафар, ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ йўналишига 28938 нафар кам ўқувчи ҳужжат топширган бўлса, қишлоқ хўжалиги, хизматлар, муҳандислик ва қурилиш тармоқлари йўналишларига кириш истагини билдирган ўғил-қизлар сафи йил сайин кенгаймоқда. Яъни, электр пайвандлаш, металлга ишлов бериш механиги, кимёвий ишлаб чиқариш техник-технологи, қурувчи-дурадгор, сув ва газ тизимларини таъмирлаш, агрономия, ветеринария, сув хўжалиги, маиший хизмат машиналари ва телерадио аппаратураларини таъмирлаш каби йўналишларга аввалги йилга нисбатан 32 минг нафар кўп ўқувчи ҳужжат топширди.

Умумтаълим мактабларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг узлуксизлиги таъминланган. Бундай тизимли педагогик-психологик ёндашув йигит-қизларнинг касб-ҳунар танлашда тўғри қарор қабул қилиши ва жамиятга наф келтирадиган касб эгаси бўлишида кўплаб ижобий ўзгаришларга замин бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ўғил-қизларнинг касблар ҳақидаги билимларини ривожлантиришни боғча ёшидан бошлаш керак, — дейди психология фанлари номзоди, доцент Муяссар Аҳмедова. — Бунинг учун бир неча усул ва ёндашувлардан фойдаланиш мумкин. Жумладан, "Роль" ўйини ва "Ценсор" усулини олайлик. Биринчи усулда икки бола бирор касб эгаси бўлиб роль ўйнайди. Мисол учун, доктор-доктор, тикувчи-дизайнер. Иккинчи усулда эса бола қайси рангни кўпроқ ишлатиши, қандай предметни чизишига қараб тарбиячи кузатувида касбга мойиллик аниқланиб, ота-она ёрдамида ривожлантирилади. Рақс, ўйин ва мусиқа ҳам болада касб тўғрисида илк тасаввурни пайдо қилади. Шу каби усуллар орқали тортинчоқ болаларнинг қайси касбга қизиқишини билиб олиш мумкин. Мактабнинг бошланғич синфига ўтгандан кейин ҳам бу ишларни давом эттириш лозим. Ишлаб чиқариш корхоналарига олиб бориш, турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Аксарият ўқувчилар касб танлашда ота-она ё бирор қариндошига ҳавас қилишади. Агар шу вазиятда танлов тўлиқ асосланмас экан, бола ўз қизиқишига мос келмайдиган касб танлаши мумкин.

Демак, бир боланинг зарур билим ва касб-ҳунар эгаси бўлишида, эл-юртга нафи тегадиган шахс бўлиб улғайишида оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Мазкур муносабатлар занжири шундай мустаҳкам бўлиши керакки, бир бола тақдирига уларнинг барчаси бирдек масъулиятни сезсин. Келинг, шу ўринда пойтахтимиздаги 270-мактаб мисолида бу борадаги ишлар билан яқиндан танишишга ҳаракат қиламиз.

— Баъзи болаларда иккиланиш кучли бўлади, — дейди мактаб психологи Зумрад Ниёзова. — Шу боис психологик-диагностик тестлар натижасида қизиқиш ва ижодий имкониятларини иложи борича эртароқ аниқлаб, керакли тавсиялар бериш орқалигина кутилган натижага эришиш мумкин. Ана шуни назарда тутган ҳолда ўқув йилининг боши, ўртаси ва охирида уч марта сўровнома ўтказилади. Анкетадаги саволлар ота-оналар ёрдамида тўлдирилади. "Болангиз қайси касбга қизиқади?", "Унинг қайси касб эгаси бўлишини истайсиз?" ва "Йўналиш бўйича қайси касб-ҳунар коллежида таълим олиши мумкин?" каби саволлар жавоби таҳлил қилинади. Ўқувчилар қизиқиши эса "Сиз қандай тўгаракка қатнашишни истайсиз?" сингари саволлар ёрдамида аниқланади. Битирувчидаги касбий хоҳиш ва интилишдан келиб чиқиб, зарур маслаҳат берилади. Ўрта махсус таълим муассасасининг нуфузига қараб эмас, балки ўз салоҳиятига кўра касб танлаш лозимлиги таъкидланади.



Мактабда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича қизиқарли усуллардан фойдаланилаяпти. Мисол учун, "Кактус" усулида ҳар бир ўқувчига оқ қоғоз тарқатилиб, 20 сония вақт давомида кактус расмини чизиш талаб этилади. Бунда ҳар бир ҳаракат орқали ютуқ ва камчиликлар, ижобий ва салбий сифатлар намоён бўлади. Кактуснинг тикани, ранги ва чизилиш жараёни ўқувчининг қайси касбга мойиллигини кўрсатади. Айтайлик, шартни юзаки бажарган ўқувчи ўта синчковлик талаб этмайдиган касбга мойил бўлади. Унга тиббиёт ёки иқтисод йўналишида ўқиш тавсия этилмайди. Майда деталларигача эътибор билан ифодалаган ўқувчи эса ўта сабрли бўлиб, аниқ фанлар билан шуғуллангани маъқул. Бир сўз билан айтганда, бу каби усуллар орқали ўқувчиларнинг ўзига ҳам номаълум иқтидорини, қизиқишини аниқлаш мумкин. Якунда тест натижаси ота-оналар ва мактаб жамоаси ҳамкорлигида муҳокама қилинади.

— Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш иши бошланғич синфданоқ олиб борилади. Бунда мактаб психологи ва синф раҳбарлари ҳамкорлигига таяниш яхши натижа беради, — дейди мактаб директори Ёқутхон Файзиева. — Шунингдек, ҳар бир дарсда касблар ҳақида маълумот бериб бориш энг маъқул йўл. Қолаверса, мактаб психологи ёрдамида ҳар бир битирувчининг шахсий сифати — ўзига талабчанлиги, тиришқоқлиги ва касб-ҳунарга уқуви аниқланади. Тўрт-беш нафар ўқувчи бир ўқитувчига бириктирилади, мавжуд муаммоларга бирга ечим изланади. Мисол учун, гоҳида ўқувчи ўзи истамай, ота-онасининг хоҳиши бўйича касб танлайди. Орадан маълум муддат ўтиб, ўша соҳага лаёқатсизлиги ойдинлашади. Шундай вазиятда бириктирилган ўқитувчи ўқувчининг айни ёшдаги нотўғри танлови келажакда ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунтиради. Ота-оналарга ҳам бу борада зарур маслаҳатлар берилади.

Йилдан-йилга такомиллашиб бораётган касб-ҳунарга йўналтириш ишлари, мактаб ва коллеж ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурати бу борадаги фаолиятни бир-бирига боғлиқ ҳолда ташкил этишни тақозо қилмоқда. Шу боис мактабларда маълум бир ой давомида яқин ҳududдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга саёҳат уюштириш ишлари самарали йўлга қўйилган. Шу орқали ўқувчилар коллеж ёки академик лицей ҳаёти, шарт-шароити билан танишаяпти. Турли тадбирлар ташкил этилиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси вакиллари, ота-оналар, собиқ битирувчилар таклиф этилмоқда. Айтайлик, ўқувчилар октябрда педагогика коллежлари фаолиятини кузатиб, фахрий педагог ва тажрибали устозлар билан суҳбатлар уюштиришса, ноябрда алоқа йўналишидаги касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқув ва ишлаб чиқариш жараёни билан танишишди. Шу тарзда транспорт, маиший хизмат, уй-жой коммунал соҳаларга ихтисослашган коллежларга саёҳат уюштирилади.

Тўғри танланган касб кишини ҳар томонлама юксалтиради. Фикримиз исботини яқиндагина мактабни битириб, ўзи истаган йўналиш бўйича таълимни давом эттирган ёш кадрлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг бу каби ютуқларида мактаб давриданоқ мутахассислиги бўйича билим, салоҳият ва кўникмага эга бўлгани катта роль ўйнади.

— 3-синфдан чеварлик тўгарагига қатнашганман — дейди Мавжуда Мусабекова. — Мактабни битиргач, қизиқишларим мени Республика дизайн касб-ҳунар коллежига етаклади. Ҳозир коллежда таълим олиш билан бирга бўш вақтларимда Бешқўрғон маҳалласидаги ёш қизларга тикувчиликдан сабоқ бераяпман.

"Моҳир қўллар" тўгарагининг собиқ аъзоси Рихсихон Холитова Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ўқиди ва шу йўналиш бўйича ўтказилган "Энг иқтидорли ўқувчи" кўрик-танловида ғолиб бўлди. Унинг билим ва касбий иқтидори Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ўқишга киришида асқотди.

— Тўгаракда бичиш-тикиш сир-асрорларини ўрганган қизлар бу ҳунарнинг қадрини, зарурлигини англай боради, — дейди 270-мактабнинг "Моҳир қўллар" тўгараги раҳбари Иқбол Зиёева. — Битирувчи қизлар шу соҳада ишлаш истагини билдириб, ҳозирданоқ Республика дизайн касб-ҳунар коллежи ва Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежига ҳужжат топширишни ният қилишган.

— Зардўзликка иштиёқим баланд, — дейди шу мактаб битирувчиси Илмира Қувондиқова. — Малакамни касб-ҳунар коллежида янада оширмоқчиман. Бу соҳага эҳтиёж катта. Билимларни яхши ўзлаштирсангиз, иш топишда ҳам қийинчиликларга дуч келмайсиз. Ота-онам зардўзликни танлашимга монелик қилишмади, аксинча, қизиқишларимни қўллаб-қувватлаб, йўл-йўриқ кўрсатишаяпти.

Ҳар бир ўқувчи — эртамиз бунёдкори. Унинг қизиқиш ва қобилиятини аниқлаб, ҳозирданоқ аниқ мақсад сари йўналтириш етук мутахассис тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатнинг буюк келажагини эса айнан ўз касбининг усталаригина қура олади.

**Олим ЖУМАБОЕВ,
"Ma'rifat" мухбири**

## Yangiliklarda yurt nafasi



**Наманганда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.**

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида Наманган шаҳридаги 1-Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида ўтказилган тадбирда ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда Ватан ҳимоячиси бўлишдек олижаноб ишга ўзини бағишлаб, Қуролли Кучларимиз сафида фидокорона хизмат қилаётган мард, жасур ўғлонларни вояга етказган ота-оналарга миннатдорлик билдирилди.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

**Пойтахтимизда кимёвий моддаларни бошқариш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТнинг ўқув ва илмий-тадқиқот институти (ЮНИТАР) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, саноат корхоналари мутахассислари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тегишли ташкилотлар, саноат корхоналари билан ҳамкорликда кимёвий моддаларни бошқаришни янада такомиллаштириш, бу борадаги халқаро механизмларни жорий этишга йўналтирилган қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Улар доирасида кимёвий моддаларни оқилона бошқариш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ахборот алмашиш ҳамда мониторинг тизимини такомиллаштириш юзасидан таклиф этилган аниқ йўналишлар шулар жумласидандир.

Семинарда кимёвий моддаларни бошқариш ва экологик хавфсизликни таъминлашга оид вазифалар, бу борадаги ишларни ташкил этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш масалалари муҳокама этилди.

**Самарқанд шаҳрида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Энг намунали оила" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Оила институтини янада мустаҳкамлаш, унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ошириш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни эгаллаган 16та оила вакиллари иштирок этди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўрин Каттақўрғон шаҳридаги Зарифобод маҳалласида истиқомат қилувчи Акбар Санақуловлар оиласига насиб этган бўлса, кейинги ўринларга Самарқанд тумани Чоршанба маҳалласидаги Вафоқул Эшонқуловлар ҳамда Пастдарғом тумани Пўлатчи маҳалласидаги И.Ўсановлар оиласи сазовор бўлди.

Шунингдек, "Намунали зиёли оила", "Намунали шифокорлар оиласи", "Намунали ҳунарманд оила", "Намунали ташаббускор оила" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Бу оилаларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нурота туманида "Нурота текстил" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади.**

Корхонани молиявий қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун "Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк"ининг Навоий вилоят филиали томонидан 146 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада касб-ҳунар коллежларини битирган 100 нафарга яқин ёшлар доимий иш ўринларига эга бўлди.

Корхона келгусида маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни режалаштирган.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

# Чет тилларни ўқитишга янгича ёндашилади

*Oʻquv-seminar*

**Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтарди.**

Мазкур қарор мазмун-моҳиятини тушунтириш, ундан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда туман ва шаҳар ХТМФМТТЭ бўлимлари мудирлари, хорижий тил методистлари, илғор чет тили фани ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида умумтаълим мактаблари учун инглиз, немис ва француз тилларидан мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўргатиш бўйича электрон ресурслар тайёрланди. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда лингафон кабинетлари ташкил этилди.

Семинар иштирокчилари қарор талабларини янада чуқурроқ ўрганиш учун гуруҳларга бўлинган ҳолда "Инглиз тили фанидан таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари", "Инглиз тили дарсларида АКТдан фойдаланиш дарсларга замонавий ёндашишнинг самарали усули" мавзуларида машғулотлар олиб бориб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

**Баҳодиржон ШОКИРОВ**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Илғор тажрибалар ўрганилди

**Юнусобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан "Ўрган-ўргат" тавсияси асосида умумтаълим мактабларида ишларни ташкил этиш" мавзусида семинар ўтказилди. Тадбирда иштирок этган методистлар, мактаб раҳбарлари, ёш мутахассислар илғор тажрибалардан бохабар бўлишди.**

Семинарнинг тақдимот қисмида тумандаги 235-мактаб директори Мўмина Сулаймонова "Ўрган-ўргат" тавсия тизимида мактаб раҳбарининг ўрни борасида сўзлаб, илғор иш тажрибаси билан ўртоқлашди.

97-мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Муҳайё Мақсудхонова малака ошириш курсларидан ўтган ўқитувчиларнинг дарсда қандай ноанъанавий усулларни қўллаётганини слайдлар орқали намойиш этди.

— Малака ошириб қайтган ўқитувчилар билан дарс ўтишнинг инновацион усуллари, АКТдан фойдаланиш, ўқувчилар фаоллигини ошириш, бўшлиқлар устида ишлаш, тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Муҳайё Мақсудхонова. — Биология, инглиз тили, тарих, математика, кимё фанларини ўқитишда давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиб, юзага келаётган муаммоларни биргаликда бартараф этмоқдамиз.

Тадбир давомида илғор тажрибали мактаблар иш фаолияти ўрганилиб, бошқа таълим муассасаларига татбиқ этилиши белгилаб олинди.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА**

# Илм эгаллаш дебочаси



**Умримиз давомида ўқиб-изланиб, маънавий дунёмизни бойитиб борамиз. Ана шундай ўқиб-ўрганиш илк бор "Alifbe" билан бошланади.**

Ҳарфларни танитиб, уларни ёздириш ҳикматини, олти ёшли болаларга ҳижжалаб ўргатишнинг машаққатини биринчи муаллим ҳис қилар экан. Унга ўқувчилар томонидан ўқилган ва ёзилган ҳар бир жумла қадрли туюлади.

Бектемир туманидаги 293-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Санобар Мирзаеванинг ўқувчилари билан саводхонлик байрамини нишонлаб, ҳарфлар эрталигини ўтказганида шундай ҳис уфуриб турди. Ҳар бир ўқувчининг ҳарфларга бағишланган шеър ва матнларни ифодали айтиши уларнинг саводидан дарак берарди.

Тадбирда қатнашган ота-оналар ҳам фарзандларининг илм эгаллашдек шарафли йўл бошидаги ҳаракатларидан мамнун бўлдилар.

**Насиба ЭРХОНОВА**

# Арслоннинг навбатдаги ютуғи

**Қарши шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Арслон Шавкатов 2011 йили Муҳиддин Қориёқубов номидаги ёш мақомчилар кўрик-танловининг "Анъанавий хонандалик" йўналишида III даражали диплом билан тақдирланган эди.**

Халқ таълими вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган "Янги авлод-2012" фестивалининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ёш истеъдод соҳиби Озарбойжоннинг Боку шаҳрида ташкил этилган IV болалар мақом фестивалида иштирок этиб "Фестиваль ғолиби" дипломи билан тақдирланди.

— Мазкур фестиваль мен учун таассуротларга бой бўлди, — дейди Арслон Шавкатов. — Анжуманда бошқа давлатлардан келган тенгдошларим билан танишдим, дўстлар орттирдим. Бу муваффақиятимга мамлакатимизда биз ёшлар учун яратилаётган имкониятлар сабаб деб биламан.

**Курсия ҚЎЛДОШЕВА,**
**Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси методисти**

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилигида ўтказиб келинаётган "Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" доимий илмий-методик анжуманининг навбатдаги XII йиғини 2013 йил апрель ойида ўтказилади. Анжуман "Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш — ўзбек тили таълими самарадорлигини ошириш омили" мавзуси муҳокамасига бағишланади.**

Халқ таълими вазирлиги барча ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ҳамда шу соҳа мутахассисларини юқорида зикр этилган мавзу бўйича маъруза билан анжуманнинг XII йиғинида иштирок этишга таклиф қилади.

Маъруза матнининг ҳажми 2-2,5 бетгача, дискда (флешкада), "MS WORD" редакторида "Times New Roman" шрифтида 1,5 интервалда ёзилиши керак. Варақнинг чап томонидан 3 см., юқори ва пастдан 2,5 см., ўнг томонидан 1 см. жой қолдирилиши лозим. Маъруза матнини 2013 йил 30 январгача Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй, Республика Таълим маркази "Ўзбек тили" доимий анжумани ташкилий қўмитасига йўллашингиз сўралади.

Тезисларда иш жойингизни кўрсатиб, ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот ёзишни унутманг.

**РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

*Mutaxassis minbari*



# АЛП—ОНАДАН

## ёхуд оилада "холдинг муҳит"ни яратиш зарурати хусусида

***Аждодларимиз ҳаётига разм солсак, ақл-заковат билан иш тутувчи, тадбиркор, саранжом-саришта, фарзанди камоли, тарбияси учун ўз умрини бахшида этувчи аёлларга ҳурмат-эҳтиром билан қарашганининг гувоҳи бўламиз.***

Боланинг жамият ҳаётига мослашуви кўпроқ она томонидан бажариладиган саъй-ҳаракатлар билан алоқадор экани хусусида айрим мулоҳазаларимиз бор. Гўдак туғилгунига қадар ва онтогенез даврида шаклланиши ҳамда ривожланиши она вужуди билан чамбарчас боғлиқ. У дунёга келиш жараёнида оиладаги шахслараро муносабатлар, яъни ота-она ўртасидаги алоқа, хонадоннинг умумий иқлими, ён-атрофдаги муҳитдан хабардор бўлмайди, деб ўйлаш нотўғри. Онанинг ҳомиладорлик вақтидаги руҳий ҳолати бола шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатиши ҳам кўпгина тадқиқотларда исботланган. Яна, аёл руҳиятининг ҳомилани жинсий жиҳатдан фарқлай олиши, яъни ўғил болага бошқача, қиз болага бошқача таъсир кўрсатиши алоҳида таъкидланади. Халқимизнинг "Алп — онадан" деган нақли ҳам юқоридаги фикримизни яна бир карра тасдиқлайдики, ўғил болада йигитлик фазилатлари онанинг таъсири натижасида шаклланади. Асрлар давомида қадрланиб келаётган урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг бизга қадар етиб келиши ҳам бевосита оналаримиз хизмати билан боғлиқ. Улар ана шу расм-русум ва анъаналарни тарбиявий мақсадга йўналтира олгани учун бугунги ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятига айлана олди.

Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг кўплаб тадқиқотчилари дастлабки парваришни бир киши, яъни она олиб боргандагина, бу гўдак учун идеал ҳолат ҳисобланишини таъкидлайдилар. Бу мулоқот меҳр-муҳаббатга тўлалиги, икки вужуд ўртасида кўзга кўринмас ришта мавжудлиги, эркалаш, ўпиш, қучиш сингари ҳолатларга, ширинсухан лаҳзаларга бойлиги билан ажралиб туради. Ана шу мавзуда олиб борилган тадқиқот ва изланиш натижалари гўдаклик ва болалик давридаги **жисмоний, биологик** ҳамда **психологик эркинлик** гўдакнинг рисоладагидек шаклланишига хизмат қиладиган асосий омиллар эканини кўрсатмоқда. Гўдакнинг онаси билан кечадиган дастлабки мулоқоти ота, бува, буви, опа-сингил, ака-укалари таъсирида ҳам тўлдирилади ва кенгайтирилади. Дастлабки ойларда чақалоққа атрофдагиларнинг ғамхўрлиги жуда зарур. Шу билан бирга, бу муносабатлар қанчалик мулоқотга бой бўлса, бола шунчалик соғлом ва ўзига ишонч билан вояга етади.

Фарзанд бир ёшга тўлгунга қадар бўлган фурсат **новербал** (сўзсиз) мулоқот даври бўлиб, онаси билан эмоционал-ҳиссий муносабатлар маҳсули сифатида бора-бора тушунарсиз сўз ва товушлар юзага кела бошлайди. Ҳақиқий ғамхўр она боласининг барча эҳтиёжларини қалбан ҳис қилиб, ўша заҳоти қондиришга ҳаракат қилади. Чанқаганини сезиб, сув беради, оч қолса, эмизиб, қорнини тўқлайди. Бу жараёнда икки вужуднинг руҳан яхлитлиги фанда **"холдинг"** (инглизча "тутиш", "ушлаш" сўзидан олинган) атамаси билан ифодаланади. Яъни, она фарзандини қўлига олиши билан ундаги ўзгаришларни ич-ичидан туяди, ҳис қилади. Бола ҳам она вужудидаги меҳрни жажжи қалби билан сезадики, шу боис ҳатто маълум масофадаёқ онасининг келаётганини, яқинлашгани ва ҳозироқ қўлига олишини билар экан. Айнан шу ҳолатни психологлар гўдакдаги "етакчи фаолият" деб атаб, бунга жуда катта аҳамият берадилар.

Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, **"холдинг" тажрибаси** кам оналар ўз боласини қўлига ушласа ҳам деярли ҳеч нимани ҳис этмайдилар. Ана шундай гўдакларда кейинчалик беихтиёр тарзда рўй берадиган **психик функциялар** ривожида муайян муаммолар вужудга келиши мумкин экан. Масалан, улар диққатни бир жойга тўплай олмайди, у ёки бу нарсани эслаб қолишга қийналади, ўз фикрини тўғри ва равон ифодалаш, мантиқий фикрлашда оқсайди.

**Гапириш, нутқ фаолияти** билан боғлиқ психик функциялар кўпинча **синхронлаштириш** жараёнида шаклланади. Боласини суйиб, унинг ҳис-кечинмаларини билиш қобилиятига эга она барча қилиқларини, гап-сўзларини юракдан илғаб, ўз муносабатини билдириб боради, ўртада ҳар иккала вужуднинг ўзига хос овоз шакллари намоён бўлади.

Боланинг когнитив ривожланиши, яъни фикрлаш тарбиясига ҳам она бевосита ва билвосита катта таъсир кўрсатади. Европалик мутахассисларнинг кузатишларида онанинг ҳар бир ҳаракати, имо-ишораси, бола билан муомаласи, эркалашлари бора-бора у ўзлаштирадиган алоҳида ибора ва сўзларда намоён бўлиши таъкидланади. Онанинг хатти-ҳаракатлари тобора боланинг нутқли-нутқсиз, мантиқий-мантиқсиз уринишларига, ишораларига қоришиб боради, кейинчалик бола алоҳида сўзларни талаффуз қила бошлаганда ҳам беихтиёр онасининг мимикаси ва талаффуз услубларини қайтаради. Шу тариқа онанинг бевосита иштироки ва ёрдамида бола дунёни танийди, ўрганади, тасаввури кенгаяди.

"Холдинг" тажрибасини тушуниш учун типик ўзбек оилаларидаги шахслараро муносабатларни кўз олдимизга келтирайлик. Бувиларимиз эндигина дунёга келган набиралари йиғлагани сабабини дарҳол англайдилар.

Чанқагани ёки оч қолганини ёш она билмаслиги мумкин, лекин кўпни кўрган она-бувилар бу эҳтиёжни дарҳол пайқайди. Ҳаётий тажриба асосида шаклланган кўникмани "холдинг" тажрибасининг бир кўриниши дейиш мумкин.

XX аср ўрталаридан эътиборан психологлар гўдакнинг унга ғамхўрлик қилаётган одамлар билан дастлабки муносабатларини тадқиқ этиб, жараёнга нисбатан **"меҳрибонлик"** атамасини қўллай бошлади. Бу тушунчани кучли яқинлик, икки томонлама интенсив ҳиссиёт ва эмоционал алоқалар билан изоҳлаш мумкин.

Болага ғамхўрлик қилаётган кишиларнинг қанчалик даражада шу хислатни намоён этишини биз ҳам ўз тадқиқотларимизда кузатганмиз. Буни янада ойдинлаштириш учун кўплаб изланишларда қўлланилган "Нотаниш вазият" тестидан фойдаландик. Тестдан кўзланган асосий мақсад она-бола меҳрибонлигини баҳолаш бўлиб, уни "кичик спектакл"га ўхшатиш мумкин. Ўйинчоқлар билан жиҳозланган нотаниш хонага она, бир яшар бола ва мутлақо нотаниш киши киритилади. **Эксперимент** вақтида она хонани бир-икки марта тарк этади. Биринчи маротаба аёл фарзандини уч дақиқага нотаниш киши билан қолдиради, кейин эса бола ёлғиз қолдирилади. Тест жараёнида боланинг бегона киши билан ёки бир ўзи қолгандаги ва онаси хонага қайтгандаги ҳолати таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади.

Онага жуда меҳрибон бўлган болаларга разм солиб кўринг. Улар болалигида оналари билан доимо бирга бўлишган. Бундай болалар 2, 3, 4 ва 5 ёшли тенгқурларига қараганда қизиқувчан, киришувчан, мустақил ва ўзини ўзи англаш даражаси мўътадил ривожланган. Меҳрибон болалар 18 ойлигидаёқ ҳамкорликдаги фаолиятга тайёр, иштиёқлари баланд, қатъиятли экани намоён бўлади. Икки ёшда эса ўз тенгқурлари билан фаол мулоқотга кириша олади, ўйинчоқларни тартиб билан ўйнайди ва турли ўйинларда ўз фантазияларидан фойдаланади. Кейинроқ бошланғич синфларда бу хислатга эга болалар ўқишда ҳам яхши ютуқларга эришиб, тенгқурлари ва катталар билан фаол мулоқотга киришиб кетади.

Кўплаб тадқиқотлар боланинг ижтимоий-психологик ривожланиши онасидаги раҳмдиллик ва зийраклик билан боғлиқлигини кўрсатади. Хусусан, жуда меҳрибон болаларнинг оналари ўта зийрак экани ва боласининг саволларига ҳушёрлик билан жавоб қайтариши аниқланган. Улар фарзанди эҳтиёжини зийраклик билан аниқлай олишади ҳамда унга қачон, нима кераклигини юз ҳаракатлари ва овозидан билиб, шунга яраша иш тутишади.

Она ва бола — бир бутун вужуд, уларни алоҳида тасаввур қилиш мушкул. Гўдак дунёга келган илк ойлардаёқ икки таннинг руҳан ва жисман яқинлиги, бунда меҳр-муҳаббатнинг устуворлиги фарзанднинг кейинги тақдири рисоладагидек кечишини таъминлайди. Шундай экан оиламизда фарзандларимиз учун "холдинг муҳит"ни ярата олайлик.

**Ўктам ШАМСИЕВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети доценти, психология фанлари номзоди**

# "O'TKAZGICHLARNI KETMA-KET VA PARALLEL ULASH"

## *mavzusi bo'yicha laboratoriya ishi*

Fizika fanini o'rgatishda faqat nazariy bilimlarni berish bilan cheklanib qolmay, o'quvchilarda tajriba o'tkazish malakasini shakllantirib borish juda muhim. Tajriba qurilmalarini mustaqil yig'ib, fizik kattaliklarni o'lchab, fanga oid qonunlar isbotini o'z ko'zi bilan ko'rsa, o'g'il-qizlarda "qo'l bilan bajarish" tuyg'usi rivojlanadi. O'z navbatida, laboratoriya mashg'ulotlari o'quvchilarda katta qiziqish uyg'otishi tabiiy, chunki ular bu jarayonda o'z tajribalari va hislariga asoslanib atrof muhitni anglay boshlaydi.

Misol uchun, umumta'lim maktablarining 8-sinf o'quv dasturidagi "O'tkazgichlarni ketma-ket va parallel ulash" mavzusining laboratoriya mashg'ulotini olaylik. O'quvchilar mazkur ishni bajarish orqali o'tkazgichlar ketma-ket va parallel ulanganda zanjirning alohida qismlaridagi tok kuchi (kuchlanish) kattaliklari orasidagi o'zaro bog'lqlikni his etadi; o'tkazgichlar ketma-ket va parallel ulanganda zanjirning umumiy qarshiligini aniqlaydi; oddiy elektr zanjirlarini yig'ish hamda elektr o'lchov asboblari (ampermetr, voltmetr) bilan ishlash bo'yicha bilim va ko'nikmaga ega bo'ladi.

E'tiborlisi, bolalar kundalik turmushda shunga o'xshash hodisalarga ko'p duch kelishadi. Ayniqsa, hozirgi paytda deyarli barcha maishiy asboblar elektr energiyasi bilan ishlaydi: muzlatgich, kir yuvish mashinasi, yoritish qurilmalari, dazmol, mikroto'lqinli pech, kompyuter, televizor va hokazo. Ularning barchasi elektr zanjiri elementlaridir.

Elektr zanjiri tok oqishi uchun yo'l hosil qiladigan qurilma va obyektlar majmuasidan iborat bo'lib, jarayonlar elektr yurituvchi kuch, tok kuchi va kuchlanish kabi tushunchalar bilan tavsiflanadi. Zanjirga elementlarni ulashning eng ko'p tarqalgan va oddiy usuli esa ketma-ket va parallel ulashdir.

Amaliyotda bir nechta iste'molchini ketma-ket yoki parallel ulash mumkin. Bunda nafaqat sxema, balki zanjirning xususiyati ham o'zgaradi. Ketma-ket ulashda kuchlanish iste'molchilar o'rtasida teng taqsimlanadi. Ketma-ket ulash tarmoqlanuvchi zanjir hosil qilish imkonini bermaydi — u tarmoqlanmagan bo'ladi.




$U_{um} = U_1 + U_2 + U_3 +... + U_n$

Om qonuniga muvofiq zanjirning barcha qismlari uchun va har bir iste'molchi uchun to'liq qarshilik quyidagicha bo'ladi:

$R = R_1 + R_2 + R_3 +... + R_n$

Bu holda zanjirga ulangan barcha iste'molchilar bo'ylab yig'indi tok o'tadi va iste'molchilardan birining ishdan chiqishi butun sxemaning ishlashini to'xtatadi. Bunday sxemadan yangi yil archasi bezaklarida (girlyandlarda) foydalanilgan. Biroq zamonaviy girlyandlarda bu muammo hal etilib, maxsus diod chiroqlardan foydalanilayotgani uchun ular kuyib, kontaktlar bir-biriga yopishib qolsa ham tok o'tishda davom etaveradi. Elektr saqlagichlari hamma vaqt maishiy tarmoqlarga yoki maishiy asboblarga ketma-ket ulangan bo'ladi: agar saqlagich kuysa, butun elektr tarmog'i yoki asbob o'chadi. Bundan tashqari, ketma-ket ulangan zanjirda har xil quvvatdagi elementlar ishlatilsa, quvvati past elementlar shunchaki kuyib ketadi.

Parallel ulashda barcha iste'molchilarda kuchlanish bir xil bo'ladi va bir iste'molchining ishi boshqasining ishiga xalaqit bermaydi. Barcha elementlarning boshi bitta umumiy nuqtaga, oxiri boshqa tomonga ulanadi.




Parallel ulashni oqim yo'lida kichikroq tepalik uchragan daryo oqimiga o'xshatish mumkin. Bu holda suv tepalikning ikkala tomonidan aylanib o'tadi, keyin yana bir-biriga qo'shilib, yagona oqim hosil qiladi. Parallel ulash o'rtada paydo bo'lgan orolcha atrofidagi ikkita alohida daryo oqimi kabidir.

Bunda tok kuchi zanjirning har bir qismida har xil bo'ladi va ulanish joylarida jamlanadi:

$I_{um} = I_1+I_2+I_3+...+I_n$

Zanjirning umumiy qarshiligi R quyidagi formula yordamida hisoblanadi:

$1/R = 1/R_1 + 1/R_2 + 1/R_3 +...$, bu yerda $R_1$, $R_2$, $R_3$ — alohida har bir o'tkazgichning qarshiligi.

Xonadonlardagi 220 V li elektr rozetkalari aynan parallel tarzda ulanadi. Bunday ulash bir-biridan mustaqil ravishda har xil asboblarni tarmoqqa ulash imkonini beradi va ulardan birining ishdan chiqishi boshqasining ishlashiga xalal bermaydi.

Har qanday ulash usulida ham elektr quvvati quyidagicha jamlanadi:

$P_{um} = P_1 + P_2 + P_3 +...+ P_n$.

Bu nazariy bilimlarning barchasini amalda tekshirib ko'rish mumkin.

Laboratoriya ishini bajarish uchun bizga quyidagi o'quv-laboratoriya jihozlari kerak bo'ladi:

| Universal ta'minlash manbai | O'quv-laboratoriya ampermetri | O'quv-laboratoriya voltmetri |
|---|---|---|
|  |  |  |
| **Taglikka o'rnatilgan elektr chiroqchalari** | **Bir qutbli uzib-ulagich** | **Ulash simlari jamlanmasi** |
|  |  |  |

**Texnika xavfsizligi qoidalariga rioya qiling:**

— asboblarni stol ustiga sxemada ko'rsatilgan ketma-ketlikda joylashtiring;

— simlarni klemmalarga mahkamlang;

— stol rozetkasiga ta'minlash manbai vilkasini zanjirni yig'b bo'lgandan so'ng ulang;

— bir-biringizga xalaqit bermasdan ishlang.

Elektr zanjiriga qo'shimcha (tok iste'molchilari) sifatida ikkita cho'g'lanma chiroqchani ulaymiz. Ularning har biri ma'lum qarshilikka ega va ulardan birini xuddi shunday qarshilikka ega bo'lgan boshqa bir o'tkazgich bilan almashtirish mumkin.

Quiyda keltirilgan sxema bo'yicha elektr zanjiri yig'ing:




**1-sxema**



**1-rasm**

***Elektr sxemasini yig'ishda ta'minlash manbai va o'lchov asboblari qutblariga e'tibor qarating.***

Sxemani o'qituvchiga ko'rsating va shundan so'ng ta'minlash manbaini 42 V li stol rozetkasiga ulang. Uzib-ulagichni qo'shing. Agar zanjir to'g'ri yig'ilgan bo'lsa, elektr chiroqchalari yonishi kerak. Ampermetr ko'rsatayotgan I tok kuchini qayd qilib qo'ying. Voltmetr dastlab birinchi chiroqchaga ulangani bois undagi kuchlanish $U_1$ ni o'lchab oling.

Uzib-ulagichni o'chirib, voltmetr simlarini ikkinchi chiroqcha klemmariga ulang va uzib-ulagichni qo'shing. Ikkinchi chiroqchadagi kuchlanish $U_2$ ni o'lchab oling. Uzib-ulagichni o'chirib, voltmetr simlarini birinchi chiroqchaning boshi va ikkinchi chiroqchaning oxiri bilan ulang va uzib-ulagichni qo'shing. Umumiy U kuchlanishni o'lchab oling.

O'lchab olingan kuchlanish qiymatlari $U_1$, $U_2$ va U lardan foydalanib $U = U_1 + U_2$ formulani tekshirib ko'ring.

$R_1= U_1/I$, $R_2= U_2/I$ va $R= U/I$ formulalaridan foydalanib chiroqchalar qarshiliklarini va umumiy qarshilikni toping.

$R = R_1 + R_2$ formulani tekshirib ko'ring.

Ampermetrni ikkala chiroq o'rtasiga, ikkinchi chiroqdan keyin va ikkala chiroqdan keyin ulab, $I_1$, $I_2$ va I larni o'lchang va $I = I_1= I_2$ formulani tekshirib ko'ring.

Chiroqlardan birini burab chiqarib olib, ikkinchi chiroqcha shundan keyin ham yonish, yonmasligini tekshirib ko'ring.

***Xulosa chiqaramiz:***

zanjirning barcha qismlarida tok kuchi bir xil;

zanjirdagi umumiy kuchlanish zanjir alohida qismlaridagi kuchlanishlar yig'indisiga teng;

zanjirning umumiy qarshiligi zanjir alohida qismlari qarshiliklari yig'indisiga teng.

So'ngra chiroqchalarni quyida keltirilgan 2-sxemaga muvofiq parallel ulaymiz:




**2-sxema**



**2-rasm**

Tarmoqlanishgacha bo'lgan I tok kuchini o'lchang;

3-sxemaga muvofiq zanjir yig'ing: ampermetr simlarini qutblarga rioya qilgan holda $L_1$ chiroqcha ulangan tarmoqqa ulang;




**3-sxema**

$I_1$ tok kuchini o'lchang;

4-sxemaga muvofiq zanjir yig'ing: ampermetr simlarini qutblarga rioya qilgan holda $L_2$ chiroqcha ulangan tarmoqqa ulang;




**4-sxema**

$I_2$ tok kuchini o'lchang;

O'lchash natijalariga ko'ra $I = I_1 + I_2$ formulani tekshiring.

$R_1 = U/I_1$, $R_2= U/I_2$ va $R = U/I$ formulalar yordamida $R_1$, $R_2$ va R qarshiliklar qiymatlarini hisoblang.

$R = R_1*R_2/(R_1+R_2)$ formula yordamida to'la qarshilikni hisoblang hamda ampermetr va voltmetr yordamida aniqlangan qarshilik qiymati bilan solishtiring.

Chiroqchalardan birini burab chiqarib olib, ikkinchi chiroqcha shundan keyin ham yonish, yonmasligini tekshirib ko'ring, $L_2$ chiroqcha orqali o'tayotgan tok kuchi va uning cho'g'lanishi o'zgarishi yoki o'zgarmasligiga e'tibor qarating.

***Xulosa chiqaramiz:***

zanjirning tarmoqlanmagan qismidagi tok kuchi parallel ulangan alohida o'tkazgichlardagi tok kuchlarining yig'indisiga teng;

parallel ulangan o'tkazgichlar uchlaridagi kuchlanishlar bir xil.

Tajribalar asosida ketma-ket va parallel ulangan zanjirlar uchun elektr toki qonunlari bajarilish, bajarilmasligi haqida xulosa chiqaramiz.

Amalda faqat ketma-ket yoki parallel ulanish juda kam uchraydi. Elektr zanjirlarida ko'proq o'tkazgichlarning aralash ulanishidan foydalaniladi. Bu holda zanjirning ketma-ket ulangan qismidagi qarshilik alohida va parallel ulangan qismidagi qarshilik alohida hisoblanadi, so'ngra zanjirning umumiy qarshiligi hisoblanadi.

(Eslatma: o'quv-laboratoriya jihozlaridan samarali foydalanishga oid qo'llanma bilan www.el.uz saytimizdagi "O'qituvchiga yordam" bo'limida tanishishingiz mumkin).

**Adham MALIKOV,**
**"ELXOLDING" ilmiy ishlab chiqarish birlashmasi metodisti**

Tahlil

# УЙГА ВАЗИФА

## ёхуд ўқувчининг билимларни мустақил эгаллашга ҳаракат қилиши нечоғли аҳамиятга эгалиги хусусида

***«Қизим машғулотлардан сўнг синфда қолиб, уйга вазифаларни тайёрлаб келишга одатланганди. Икки-уч кун тоби қочиб дарсларга қатнашолмагач, мавзуларни ўзлаштиришга ёрдамлашишимга тўғри келди. Ўтган дарсларни такрорлаш учун бир ҳафта аввалги масалаларни ечишини сўрадим. У негадир жавоб беришга қийналди. «Аълочи» болам оддий кўпайтириш амалини бажара олмаётганидан таажжубландим. Маълум бўлишича, ўқитувчи дарсликдаги мисол ва масалаларни тушунтирмай, тайёр ечимни кўчиртираркан. Ўқувчи эса ёдлаганларини айтиб бериб, яхши баҳо олавераркан. Фарзандимнинг яхши ўқиши мақсадида дарсдан кейинги машғулотлар учун сарфлаган маблағимга ачинмадим, балки унинг билимсиз бўлиб қолаётганидан хавотирга тушдим».***

***Танишимнинг бу ҳикояси кишини ўйга толдиради. Ўқувчиларнинг фанларни яхши ўзлаштиришига кўмаклашиш, аслида, ўқитувчининг вазифаси ҳисобланади. Шундай экан, уйга вазифа беришда ўқитувчи нималарга эътибор қилиши керак?***

### ҲАР ИШДА МЕЪЁР КЕРАК

Аслида, ўқитувчи аниқ тушунча ва етарли билим берса, ўқувчи топшириқни мустақил бажара олади, албатта. Қолаверса, уйга вазифани тайёрлаш борасидаги мулоҳазаларни икки йўналишда баён этиш ўринли. Биринчиси — ўқитувчининг уйга вазифа беришдаги масъулияти, тартиб ва қоидалар, иккинчиси эса боланинг эртанги дарсга тайёрланиши жараёнида ота-она томонидан кўрсатиладиган ёрдам.

— Уйга вазифа беришдан асосий мақсад синфда ўтилган мавзу юзасидан ўқувчидаги бўшлиқларни тўлдиришдир, — дейди Республика таълим маркази бўлим бошлиғи Илгизар Маннопова. — Бунда педагог маълум меъёрларга амал қилиб, ҳар бир фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Қолаверса, ўқувчининг ёши, лаёқати ва вазифанинг ҳажмига эътибор қаратиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бошланғич таълимда фақат такрорлаш машқлари содда ва қисқа тартибда берилади. Юқори синфда эса бирор мавзу бўйича эркин фикрлаш ва ижодкорликка, қўшимча материаллардан фойдаланишга ўргатилади. Ўқитувчи ўқувчининг дарс тайёрлаш жараёнида сарфлайдиган руҳий қувватини ҳисобга олиши даркор. Бошланғич таълим йўналишида ўқувчилар 30—45 дақиқа, 5-синфда 1 соат 15 дақиқа, 6—7-синфларда 1,5 соат, юқори синфларда эса 2,5 соатгача уй вазифасини тайёрлаш учун вақт ажратиши мақсадга мувофиқ. Топшириқ беришда бошқа ўқув фанлари юкламаларини ҳам инобатга олиш лозимки, 1-синфга 4—8 сатр, 2-синфга 8—10 сатр, 3—4-синфларга эса 16 сатргача (машғулотда ўтилган мавзуга оид) шеър ёки матн ёдлашга бериш мумкин. Юқори синфларда бу меъёр 16—30 мисрагача белгиланади. Шунга қарамасдан, айрим ўқитувчилар ушбу тартиб ва мезонларга амал қилмаслиги оқибатида муаммолар туғилади. Масалан, айрим ҳолларда бошланғич синф ўқувчиларига реферат тайёрлаш топширилмоқда. Афсуски, бунга ақли етмаган бола ота-онасидан ёрдам сўраши табиий. Ота-она ўзи билган маълумотлар асосида вазифани бажаради. Хўш, бу билан ўқувчининг билими мустаҳкамланадими? Агар педагог реферат ёзишни ўргатмоқчи бўлса, умумий тушунча билан бирга, мавзу режасини тузиб бериши шарт. Шунда бола ахборот билан ишлашга ўрганади. Бундан ташқари, муаллим синфдаги болаларнинг қизиқиши ва ахборот қабул қилиш қобилиятини ҳам этиборга олиши лозим. Шу маънода ўқитувчи дарс якунида берилаётган мисол ёки масалани бажариш (математика) ёки матнни таҳлил этиш (она тили) йўлини намуна сифатида кўрсатиши зарур.

Дарҳақиқат, уй вазифалари ўғил-қизларнинг билим олишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бола мустақил ишлашга ўрганади. Акс ҳолда, уй вазифаси ўқувчини «хўжа кўрсин»га ишлашга одатлантириши ва бола учун самарасиз меҳнатга айланиши мумкин. Шу билан бирга, ота-она томонидан ўрнатилган назорат ва кун тартибида дарс тайёрлаш соати (бир ёки икки соат) бола руҳияти, шароитига мос тарзда белгиланса, мақсадга эришилади.

### «БОЛАМ АЪЛОЧИ БЎЛСИН»

... Ўқув йили бошида ўз иқтидорини намоён эта бошлаган қизалоқ чорак якунига келиб ижодий вазифалар ва зеҳн, идрок талаб этиладиган оғзаки машқларга жавоб беролмай қолади. Маълум бўлишича, узоқ танаффусдан сўнг ишга қайтган аёл фарзандидан фақат «аъло» ўқишини қатъий талаб қилган. Ўзи эса фарзанди билан шуғулланишга, керакли кўрсатмалар беришга вақт топмаган. Бунинг устига, хато қилишдан қўрқиб руҳан заифлашаётган қизчанинг паст баҳоларини кўрганда тўхтовсиз койиган. Оқибатда у журъатсиз бўлиб қолган.




Мактабда 3—6 соат давомида фаол равишда таълим олиш боладан руҳий қувват талаб қилади. Гоҳида фарзандимиздан қўшимча шуғулланишни талаб этиш асносида уни зўриқтириб қўямиз. Мутахассисларнинг фикрича, ҳаддан зиёд ақлий меҳнат билан банд бўлган ўсмирларнинг асаб тизими, умуртқаси, кўриш ва эшитиш органларига зарар етади. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари гоҳ уйқуга, гоҳ кўнгилочар ўйинга эҳтиёж сезади.

— Машғулотлар тугаши биланоқ синфда уй вазифаларини бажариш учун яна қатъий тартиб ўрнатиш яхши эмас, — дейди Республика ташхис маркази психологи Муҳайё Розиқова. — Ҳордиқ чиқариши учун болага имкон бериш керак. Бу таълим жараёнида фаол ва зукко бўлишига ёрдам беради. Мия ана шу дам олиш вақтини янги билимларни керакли «нуқта»ларга қўйишга ишлатади.

### ТАЖРИБАГА ТАЯНИЛСА...

Ўқувчиларнинг уй вазифаларини бажаришига кўмаклашиш борасида ибратли тажрибага эга муассасалар талайгина. Жумладан, Юнусобод туманидаги 260-умумтаълим мактабида бу вазифага ўзига хос ёндашилади.

— Мактабимизда иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан индивидуал шуғулланилади, — дейди директор ўринбосари Дилфуза Муҳаммадиева. — Болалар дарсларда тушунолмай қолган мавзулари юзасидан ҳар кунлик бепул тўгарак ва фан машғулотларида қўшимча маълумот олишади. Ўқув муассасамиздаги малакали ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари, ўзлаштириши суст ўқувчиларни интерфаол методлар орқали фанга қизиқтириши натижасида турли тадбир ва танловларда уларнинг фаоллиги кўзга ташланмоқда.

Бухоро шаҳридаги 17-умумтаълим мактабида ҳам ўзига хос тажриба тўпланган. Ҳар бир синф хонасида «Уй вазифаси» бурчаги ташкил этилган. Стол устига ўқувчилар ишларидан намуналилар жойлаштирилган. Энг яхши материаллар олд қаторга, ўртача бажарилганлари эса орқароққа қўйилган. Болажонлар эса ҳамиша биринчиликни қўлга киритишга уринишади. Масалан, меҳнат фанида болаларга пластилин ёрдамида тухум пўчоғидан масхарабоз ясаш вазифаси берилади. Эртаси куни бир-биридан чиройли 38та «масхарабоз» синф бурчагидан жой олади.

— Боламнинг синфидаги мўъжизакор бурчакни кўришга гоҳида атайлаб бораман, — дейди бухоролик Муаттар опа. — Боиси, ўғлим дарсларга берилиб тайёргарлик кўради. Бунинг натижаси билан қизиқаман, албатта. Унга дарс давомида етарлича маълумот ва йўлланма берилгани учун уй вазифаларини ҳам мустақил бажара олади. Баъзида адашади, аммо ҳаракатчанлигидан қувонаман. Бир гал у математика фанидан берилган масаланинг ўрнига бошқасини бажарибди. Ўқитувчи ҳам масъулиятини инобатга олиб, яхши баҳо қўйиб берибди. Устоз кўрсатган эътибор ва рағбат ўқувчини интилувчанликка ундаши тайин.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2012» кўрик-танлови ғолиби, бошланғич таълим ўқитувчиси Нафиса Сафарова шундай дейди:

— Синфимдаги ўқувчиларнинг барча фанлардан «айланма» дафтари бор, биттасини уйга олиб кетиб, уй вазифасини бажаришади, иккинчисидаги ёзма ишларни эса текшириб қўяман ва вақтдан ютаман. Дафтарлардаги намунали ёзувларни синф бурчаги орқали болаларга ибрат қилиб кўрсатаман. Бундан ташқари, машғулотни сермазмун ташкил этиш мақсадида уй вазифасини «Занжир» усулидан фойдаланган ҳолда сўрайман. Болалар гуруҳларга бўлиниб, топшириқ жавобларини бир-бир ўрнидан туриб тез-тез айтиб беришади. Уларга берилган вазифалар эса тузилиш жиҳатдан ҳар хил бўлса-да, аммо жавоблари битта бўлади. Бу сирни ўқувчилар билмагани боис синфдошининг дафтаридан тайёр вазифани кўчиришга чўчийди. Масалан, «А» гуруҳга математикадан берилган мисолнинг жавоби «40 кг. нок», «В» гуруҳ вазифасининг жавоби «65 км.», «С» гуруҳ топшириғининг натижаси эса «78 кг. картошка». Ўқувчилар дафтарлардаги тўғри жавобни кетма-кетликда айтиб боришади. «А» гуруҳдан қайсидир ўқувчи «35 кг. нок» деса, хато қилгани шу заҳотиёқ билинади.

Мактабда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун ҳафтада уч марта қўшимча дарс машғулотлари ўтилади. Уларга аввал соддароқ мисол ёки матнлар ўргатилиб, сўнгра мураккаб мавзулар юзасидан сабоқ берилади. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида синфдаги деярли барча ўқувчилар намунали хулқ-атворга эга бўлиб, яхши ва аъло баҳоларга ўқишмоқда.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 409-сонли ҳамда 2002 йил 25 январдаги "Аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида"ги 33-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли қарори ва Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2013-2014 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг 1—9-синфларида ўқийдиган фарзандларига қишки кийим-бошлар харид қилиш учун очиқ**

# тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади

Мазкур тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар:

1-синф ўқувчилари ҳамда якка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ва/ёки буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари — юридик шахслар;

кам таъминланган оилаларнинг 1—9-синф ўқувчилари учун қишки кийим-бошларни буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда ўзида ишлаб чиқариб, етказиб бериш имкониятига эга барча юридик шахслар — шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

Бунда тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади.

Тендерда маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган ҳам хорижий фирмалар ва ташкилотлар, ҳам ватанимиз ишлаб чиқарувчилари(товар етказиб берувчилари) қатнашишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

Халқ таълими вазирлиги ва "Ўқув таълим-таъминот" Давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;

мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

Халқ таълими вазирлиги ва "Ўқув таълим-таъминот" ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб бермайдиганлар;

ўқувчилар сумкаси ва қишки кийим-бошлар бўйича ўзининг ишлаб чиқаришига эга бўлмаганлар (мазкур маҳсулотлар бўйича ўз тендер таклифларини тақдим этувчилар учун).

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар, Тендер комиссияси ва/ёки Тендер комиссияси топшириғига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан (квалификационный отбор) ўтказилади.

Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим:

маҳаллий статистика органлари томонидан талабгорнинг куртка, пойабзал, қалпоқ ва қўлқоп ҳамда ўқувчилар сумкаси бўйича ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома;

ходимлари сони ва талабгорниниг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;

маҳаллий хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан талабгор банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

маҳаллий Давлат рўйхатига олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув — далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами (китоби)ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИР кўрсатилган бўлиши шарт.

Саралаш босқичи Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 20 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Тендер комиссиясининг топшириғига асосан махсус тузилган Ишчи гуруҳи талабгорнинг Тендер таклифини бажариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш мавжудлиги, бинолари, технологик асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш қуввати ва талабгорларнинг бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқади ва Тендер комиссиясига маълумот киритади.

Агарда тендерда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга импорт товарлари етказиб берувчи хорижий корхоналар иштирок этганда, қонунчилик билан ўрнатилган тартибда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарга 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар "Ўқув таълим-таъминот" ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумотни олиш истагида бўлган талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органи ҳисобланган "Ўқув таълим-таъминот" ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10:00дан 17:00га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Ишчи орган манзилгоҳи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. Тел.: (+99871) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. Факс: (+99871) 267-71-16.**

Бундан ташқари, мазкур Тендер савдолари ҳақидаги маълумот Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz электрон сайтида чоп этилган.

## Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотлар миқдори ва уларнинг энг юқори нархлари

| Т/Р | Харид қилинадиган маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори баҳоси (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| | **1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ҳамда касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олувчи болалар учун бериладиган ўқув қуроллари** | | | |
| 1 | Дафтар (12 варақ) | дона | 6 754 566 | 185 |
| 2 | Акварель бўёқ (12 рангли) | пачка | 543 652 | 3154 |
| 3 | Пластилин | пачка | 543 652 | 2886 |
| 4 | Рангли қалам (12 рангли) | пачка | 543 652 | 2550 |
| 5 | Оддий қалам | дона | 1 098 278 | 211 |
| 6 | Пенал | дона | 543 652 | 2720 |
| 7 | Расм дафтари (12 варақ) | дона | 576 622 | 818 |
| 8 | Рангли қоғоз тўплами (12 варақ) | тўплам | 560 728 | 818 |
| 9 | Ручка | дона | 576 622 | 195 |
| 10 | Ўчирғич (ластик) | дона | 1 088 512 | 332 |
| 11 | Елим (клей 21 гр. кам бўлмаган) | дона | 549 139 | 910 |
| 12 | Ўқувчи сумкаси (ранец) | дона | 549 139 | 15100 |
| | **Кам таъминланган оилаларнинг 1—9 синфларда ўқийдиган ўқувчилари учун иссиқ қишки кийим-бошлар** | | | |
| 1 | Болалар курткаси | дона | 244 469 | 25300 |
| 2 | Ўсмирлар курткаси | дона | 309 160 | 27200 |
| 1 | Болалар пойабзали | жуфт | 244 469 | 26100 |
| 2 | Ўсмирлар пойабзали | жуфт | 309 160 | 29200 |
| 1 | Болалар қалпоғи ва қўлқопи | комп. | 244 469 | 7669 |
| 2 | Ўсмирлар қалпоғи ва қўлқопи | комп. | 309 160 | 8500 |

Тендер ҳужжатини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига **420 000 (тўрт юз йигирма минг)** сўм миқдорида қайта қопланмайдиган пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин:

**Ишчи орган банк реквизитлари: Ҳисоб рақами № 20210000700101561002 АТИБ "Ипотека" банки, Меҳнат бўлими, МФО: 00423 ИНН 200524742, ОКОНХ 51520.**

Барча тендер таклифлари Тендер ҳужжатининг 12.1-бандига мувофиқ, Тендер таклифи суммасидан 3 (уч) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида, шунингдек, Тендер таклифларини топширишнинг охирги кунигача ўтказилган бўлиши талаб қилинади (Барча тўловлар сўмда амалга оширилади).

Закалат суммаси билан бириктирилмаган Тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Тендер таклифлари 2013 йил 11 февраль соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда** юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органга тақдим этилиши лозим (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақида талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

## ВАТАН ДЕЯ УРАР ЮРАКЛАР

*Tuyg'u*

Яқинларимизни йўқлаб қишлоққа борсак, шаҳар андозасидаги турар жойларни кўриб кўзимиз қувонади. Дастурхон тўкин, кўнгиллар хотиржам. Болаларимиз дунёқарашида ўзгариш...

"Қани, ким кўп шеър билади?" деган саволга жингалак соч қизалоқ: "Мен, мен айта қолай. Фақат Ватан ҳақида..." дейди. Унинг жажжи юрагида туғилиб ўсган қадрдон масканига нисбатан чексиз меҳрнинг уруғи унаётганидан мамнун бўламан.

Ўқувчиларимдан бири "Устоз, қораламаларим билан танишиб чиқинг, илтимос", дейди. Беихтиёр дафтарини варақлайман: "Жаннатмисол Ўзбекистон" сарлавҳасини ўқийман-у кўнглимда илиқ туйғу жимирлайди. Шеърий машқларни ўқиб, эртамиз эгаларининг юраги Ватан деб ураётганига яна бир карра амин бўламан...

**Гўзал РАЖАБОВА,**
**Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**




## БИЛИМ ОЛИБ, ҲУНАР ЎРГАНИБ...

*Bo'sh vaqt — xush vaqt*

Аждодларимиз "Ҳунари бор — элда азиз", деб бежиз айтишмаган. Навоий вилояти Кармана тумани "Баркамол авлод" болалар маркази бу борада ўқувчиларга кўмакдош бўлмоқда.

— Тумандаги 1-мактабда ўқийман, — дейди марказнинг гиламчилик тўгараги аъзоси Гулҳаё Муртазоева. — Марказга қатнай бошлаганимга кўп вақт бўлмаган бўлса-да, устозим Сабоҳат Шодиевадан гилам тўқиш сирларини ўрганиб олдим. Келгусида мустақил бизнесимни бошламоқчиман.

Ўқувчилар бу ерда фақат ҳунар ўрганиб қолмай, билимларини ҳам мустаҳкамламоқда. Жасур Исроилов "Йилнинг энг яхши иқтидорли, ижодкор ёш ихтирочиси" кўрик-танловида ўзига ўзи юк ортувчи машина лойиҳаси билан қатнашиб, биринчи ўринга лойиқ топилди. Техник ижодиёт йўналишидаги Республика "Баркамол авлод" болалар маркази томонидан ўтказилган "Қонунни билганга кенг дунё" танловининг республика босқичида эса Алишер Абдураҳмонов 2-ўринни, Сарвиноз Пўлатова 3-ўринни қўлга киритди.

**Санжар ҚУРБОНОВ**
Навоий вилояти

## ЗАМОНАМИЗНИНГ «ПАЛЕОЛИТ» ОДАМЛАРИ

*Kuzatuv*

Палеолит — тош асри. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўша даврда яшаган одамлар ерга, қоятошларга, дарахт таналарини ўйиб, турли шакллар туширишган. Кўча-кўйдаги баъзи ҳолатларни кўриб, "палеолит" одамлари ҳалиям орамизда яшаяптимикан-а, деб ўйланиб қоламан.

Дарахт танасига бир парча қоғозни ёпиштираётган жувон диққатимни тортди. Унинг хатти-ҳаракатини синчковлик билан кузатдим. Кетгандан сўнг ўша бир парча қоғозга кўз югуртирдим. Нозик дид билан "Уй сотилади" деб ёзиб, телефон рақамини қўшиб қўйибди.

Лицейга бориш-қайтишда ҳам атрофга разм соламан. Ҳар қадамда шунга ўхшаш ҳолат. Дарахтлар, симёғочлар, деворлар, бекатлар турли-туман эълону рекламалар билан тўлиб-тошган — қараган одамнинг дили ранжийди...

**Соҳибжон ҲОТАМОВ,**
**Фарғона шаҳридаги Ёрмозор академик лицейининг журналистика йўналиши ўқувчиси**

*Siz nima deysiz?*

## «ДУО БИЛАН ҚОРИН ТЎЯРМИДИ?!»

Автобус. Хаёлга чўмган онахон. Қаддини қанча тик тутишга уринмасин, хатти-ҳаракатларида барибир қарилик белгиси намоён. Бир челак мевани неваралари учун атайлаб боғдан терган ё бозордан харид қилган. Онахон манзилга яқинлашди шекилли, атрофга аланглай бошлади. Йўл ҳақини узатаркан, чиптачининг чимирилган қошларига бир муддат ҳайрон термулди.

— Онахон, юкингиз учун ким тўлайди? — деди чиптачи.

— Вой болам-ей, — рўмолини пешонасига ўраётиб ҳайратланди содда кампир ва сарғайиб, ғижимланиб кетган 500 сўмликни ҳамёнидан олиб узатди. — Шу охирги пулим эди-я... Қолганига дуо қилай, умринг узоқ бўлсин, болаларингнинг роҳатини кўргин.

Бирдан ҳайдовчи гапга қўшилди:

— Пулингиз бўлмаса, нима қиласиз автобусга чиқиб? Ана, яёв кетинг. Бизнинг ҳам тирикчилик бор!

— Дуо қиламан, дедим-ку, болам.

— Қизиқ экансиз. Дуо билан қорин тўярмиди?

Пулни дуодан устун қўяётган ҳайдовчи ва чиптачига қарши ҳеч ким ҳеч нима демади. Аммо йўловчиларнинг барчаси дуо олиш ҳикмат эканини ёқлаётгани аниқ эди.

**Одина ҚУЛМУРОДОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

## ЯШАШ — ШАРАФ, ЯШАШ — МАСЪУЛИЯТ!

*Fiqra*

Умримизнинг яна бир йилига қадам қўйдик. Элликдан кейин кунлар секин, йиллар эса тез ўтаркан. Майда-чуйда ғурбатлардан олисроқ бўлишга, ҳалол-покиза яшашга, кўпроқ савоб ишлар қилишга шошилади киши. Зотан ёруғ оламга келиб-кетишнинг маъно-мазмуни ҳам шунда! Ўйланг, туғилмаганлар, туғила олмаганлар қанча, туғилиб бир ҳафтагина яшаганлар-чи?! Юрагингни беихтиёр шукроналик ҳислари чулғайди.

Сиз кимсиз, қайси мансабда ўтирибсиз, очмисиз-тўқмисиз, бадавлатмисиз-бедавлатми, бутун вужудингизни эзгуликка, яхшиликка, савобга йўлланг! Бошқаси беҳуда, бошқаси ўткинчи...

Ўзингизни изтироблар исканжасига ташламанг! Сиз яшашингиз шарт. Ота-она, опа-сингил, ака-ука, дўсту дугона, кўзлари мунчоқдай болаларингиз сизга муштоқ!

Яшаш учун шошилинг. Яшаш — шараф, яшаш — масъулият.

**Орифжон ВОҲИДОВ,**
**Олот туманидаги 29-мактаб директори, халқ таълими аълочиси**

## БУНЁДКОРЛИКЛАР БАРДАВОМ

*Ta'kid*

Янги қиёфа касб этаётган билим даргоҳлари шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Фақат шугина эмас, барча қулайликларга эга илм масканларида таълим-тарбия мазмуни такомиллашиб, самарадорлик ошмоқда.

Минглаб умумтаълим муассасалари қатори бизнинг мактаб ҳам 2007 йили давлат дастури асосида бунёд этилган икки қаватли янги бинода иш бошлаганди. Шундан буён нафақат педагогик жамоамиз, балки қишлоқ аҳли дунёқарашида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўлдик.

Эътиборлиси, юртимизда бундай хайрли ишлар бардавом. Жорий йилда 313та умумтаълим мактаби, 228та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи капитал таъмирланиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилаётганлиги барчамизни қувонтирди. 1500дан ортиқ умумтаълим муассасаси ҳамда 700та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар ва ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминланиши кўзда тутилган. 54та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 137та спорт зали ва 25та болалар спорти объектини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳам давлат бюджети лойиҳасига киритилган.

Ўз қишлоғимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлардан келиб чиқиб, бу йил яна юзлаб билим масканларидаги таълим жараёнида жадал олға силжиш, минглаб педагогик жамоаларнинг иш самарадорлиги кескин ошишини ҳозирданоқ тасаввур этса бўлади.

**Фазилат МУРОДОВА,**
**Жиззах туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси**

## НУТҚ ҲАМ ХУЛҚ

*Tajriba*

Адабиёт тўгараги ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиши билан бирга, уларнинг нутқи равон бўлишига ҳам замин яратади. Бу кўникма, аввало, ифодали ўқишдан бошланади. Ўқувчиларга нутқнинг ифода усуллари — такт, синтагма, пауза, мантиқий урғу, тиниш белгиларининг интонацион кўринишлари, ва ниҳоят, ўқиш суръатини тушунтириш, уларни ўз ўрнида ишлатишни ўргатиш муҳим.

Мактабимизда бошланғич синф ўқувчилари учун "Китобим — офтобим" тўгарагини ташкил этганмиз. Ўн беш болага ҳар хил эртак ва ҳикоялар ўқиб бериб, бадиий мутолаага қизиқишини ошираяпмиз. Мультфильмлар намойиш этиб, ўқувчилар даврасида муҳокама қилаяпмиз. Натижада улар ҳар бир сўзни тўғри талаффуз қилиш билан бирга, асл мазмунини англаган ҳолда ўз ўрнида ишлатиш кўникмасини эгалламоқда.

**Гулноза БЎРОНОВА,**
**Яккасарой туманидаги 144-мактаб ўқитувчиси**

## ИККИ БЎЛАК НОН СУВРАТИ

*Siyrat*

*Болалар психологиясини ўрганишда расм чиздириб кўриш синалган усуллардан саналади. Бир гуруҳ ўқувчилар билан ана шундай тажриба ўтказганимда... Келинг, яхшиси, бошидан бошлай қолай. Ҳаммага ўзи хоҳлаган расмни чизишни таклиф этдим. Чиндан ҳам, ажибужи чизгилардан "рассом"нинг ички олами мўралаб турарди. Бир боланинг дафтарини кўриб ҳайрон қолдим: айлана чизилиб, каттароқ ва кичикроқ икки қисмга бўлинган эди.*

*— Бу ниманинг расми? — боладан сўрадим.*

*У ноннинг расмини чизганини, катта бўлаги укасига, кичик бўлаги ўзига эканини айтди-да, ерга қараб қолди. Боланинг нигоҳи маъюс эди...*

*Суриштириб билсак, онаси туғруқ пайти вафот этган, кейин укаси билан ўгай она қўлида қолган экан. Ҳозир мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорликда икки норасиданинг ҳаётини ўнглашга ҳаракат қилаяпти. Муаллималар уларга фақат билим эмас, она меҳрини ҳам беришга интилаяпти.*

**Феруза КАРАБАЗОВА,**
**Олмазор туманидаги 234-умумтаълим мактабининг амалиётчи психологи**

**Саҳифани Баҳодир ҲАЛИМОВ тайёрлади.**

# КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ИНСОНИЯТГА ЯНГИ ТАҲДИД

***Замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий қилиниши инсониятга кўплаб имкониятларни туҳфа этиш баробарида, афсуски, жамиятга бир қатор муаммолар, хусусан, компьютер жиноятчилиги ва кибертерроризм хавфини ҳам пайдо қилмоқда. Сўнгги кунларда оммавий ахборот воситаларида кибержиноятчилик, кибертерроризм сингари атамаларнинг тез-тез тилга олинаётгани бу борада инсоният олдида жиддий хавф пайдо бўлаётганини англатади.***





Бу каби жиноятлар, энг аввало, электрон ҳисоблаш машиналари, компьютер тармоқлари ва тизимлари ишига ноқонуний аралашув орқали маълумотларни ўғирлаш, ўзлаштириш каби ҳаракатларда намоён бўлмоқда. Ана шундай янги кўринишдаги хавфлардан бири — кибертерроризм замонавий ахборот технологиялари орқали ғаразли мақсадларни амалга оширишга қаратилгани билан ажралиб туради.

"Wikipedia" электрон энциклопедиясида келтирилишича, кибертерроризмни кибержиноятчиликдан фарқловчи бир қатор ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бу жиҳат, энг аввало жиноятларнинг нисбатан очиқлиги, яъни террорчининг талаб ва шартлари кенг кўламда эълон қилинишида кўзга ташланади. Шу боис ҳам мутахассислар кибертерроризм келтириб чиқариши мумкин бўлган моддий ва маънавий зарарни инсоният учун ядро, бактериологик, кимёвий қуроллар келтирадиган хавфга тенглаштиришмоқда.

Манбалар маълумотларига кўра, ушбу жиноятчиликнинг мунтазам ортиб бораётганига осонгина қўлга киритилаётган пуллар ҳам сабаб бўлмоқда. Айни пайтда дунё бўйича банкларни бир маротаба ўмаришдан келган зарар ўртача 19 минг АҚШ долларини ташкил этса, компьютер жиноятчилиги етказган зарар эса ўртача 560 минг АҚШ долларидир. Европа Кенгаши мутахассисларининг маълум қилишича, кредит карточкалар юзасидан амалга оширилган кибержиноятлар келтирган зарар бир йилда 400 миллион АҚШ доллари, вируслар етказган зарар эса 12 миллиард долларни ташкил этмоқда. Хусусий мулкка етказилган талафот миқдори эса янада ортиб, йилига қарийб 250 миллиард АҚШ долларига тенг бўлмоқда.

Электрон терроризмнинг халқаро ривожланиш тенденциялари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, унинг хавфлилик даражаси турли молия муассасалари фаолиятининг электрон шаклга ўтаётгани, замонавий технологиялардан фойдаланишнинг кўпаяётганига мос равишда йилдан-йилга ортиб бормоқда. Техника тараққиёти ва унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ўртасидаги бўшлиқлар сабаб вужудга келаётган салбий оқибатларни англаб етиш ва бартараф этиш учун анча куч ва маблағ талаб қилинади.

Жиноятчиликка қарши курашувчи халқаро ташкилотлар, давлатлараро ҳамкорлик алоқалари бу борада бирмунча ижобий натижаларни қайд этаётганига қарамасдан, олиб борилаётган изланишлар чегара билмас мазкур хатарларнинг ҳали-ҳамон жиддийлигини кўрсатмоқда. Ер шарини деярли тўлиқ эгаллаб олган интернет тармоғи орқали истаган жиноятчи ҳар қандай нуқтада жойлашган ахборот тизимига хавф солиши мумкин. Бунга сўнгги пайтларда турли молия-банк ташкилотларидан катта миқдордаги маблағларнинг ўзлаштирилиши мисол бўла олади. Шуниси аянчлики, виртуал террорчининг шахси ва манзилини аниқлаш, мавжуд муаммони бартараф этиш жуда ҳам мушкул. Чунки реал ҳаётдагидан фарқли ўлароқ, бундай жиноятчилар ўзларидан деярли из қолдиришмайди. Гувоҳлар, бармоқ излари ёки ашёвий далилларни топиш ҳам имконсиз.

## Ҳамкорликда кураш олиб борилади

Халқаро ҳамжамият кибержиноятчиликка қарши курашда янада янги, самарали лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, ушбу йўналишда ихтисослаштирилган тузилмаларни ташкил этиш, улар фаолиятини халқаро миқёсда олиб бориш юзасидан турли таклиф-мулоҳазаларни илгари сурмоқда. Жумладан, "Компьюлента" манбасида Европа Комиссияси томонидан интернет жиноятлари ва ноқонуний онлайн фаолиятга қарши курашувчи махсус марказ ташкил этиш режалаштирилаётгани ҳақида хабар чоп этилди. Унда таъкидланишича, мазкур янги тузилма Европол — Нидерландиянинг Гага шаҳрида жойлашган Европа Иттифоқи полиция хизмати таркибига киритилади. Ушбу муассасанинг асосий вазифалари халқаро миқёсдаги уюшган жиноятчиликка қарши курашишда миллий хавфсизлик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ахборот алмашинувини яхшилашдан иборат. Еврокомиссия мутахассисларининг сўзларига кўра, сўнгги йилларда кенг кўламли киберхуружлар шу даражада пухта режалаштирилмоқдаки, бундай жиноятлар асосий молиявий тизимларга жиддий хавф туғдираяпти.

Кибержиноятчиликка қарши марказ ходимлари биринчи галда эътиборни банк ва пластик карталар фирибгарларига қарши қаратишни мўлжалламоқда.

## Эҳтиёт бўлинг, фирибгарлар!

Виртуал маконда яширин фаолият кўрсатувчи кибертеррорчилар ўз шахсий мақсадлари ёки буюртма асосида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик объектларнинг интернет сайтлари хавфсизлик тўсиқларини бузиш орқали у ерга жойлаштирилган турфа хилдаги, жумладан, махфий маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари сайтларида сақланадиган муҳим маълумотлар, стратегик аҳамиятга эга объектлар, турли коммуникация тармоқлари лойиҳалари, шунингдек, тармоқдан фойдаланувчи кўплаб кишиларнинг шахсий маълумотлари, уй манзили ва телефон рақамидан тортиб, қизиқиши ва кундалик ҳаёт тарзи тўғрисидаги шахсий ахборотлар шулар жумласидандир.

Бунда жиноятчилар ўз мақсадига эришиш учун энг сўнгги русумдаги ахборот технологиялари, компьютер тизимлари ва тармоқларидан, жумладан, "ўлжа" сифатида танланган объектнинг компьютер тизими ва маълумотлар базасини рухсатсиз бузиб киришга мўлжалланган таъминот дастурларидан фойдаланмоқда. Эътиборлиси шундаки, бу каби қурилма ва дастурлар, улардан фойдаланиш йўриқномалари ҳам интернет орқали тарқатилмоқда. Уларга эга бўлган жиноятчилар керакли маълумотларни осонгина юклаб олиши, зарурат туғилган тақдирда уларни ўзгартириш ёки йўқ қилиши мумкин. Бунда юқорида таъкидланган дастурлар, хусусан, "мантиқий бомба", "троян" деб номланган турли кўринишдаги компьютер ҳамда тармоққа юкланадиган дастур ва вируслардан фойдаланилади.

Шу билан бир қаторда, интернет орқали фирибгарлик йўли билан фуқароларнинг пул маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда. Бунда маблағлар 500 АҚШ долларидан бошланиб, бир неча минг долларга етиши мумкин. Фирибгарлар, асосан, кўпчиликка маълум бўлган, аммо шундай бўлса-да, ишонадиганлар ҳам топиладиган усуллардан фойдаланишади: аввалига улар электрон почта ёки ижтимоий тармоқлар орқали "ўлжа" билан алоқага киришиб, яқиндан танишадилар. Ишончини қозонгач, "ўлжа"ни ўз қўли билан ўзини тунашга ихтиёрий равишда мажбур қилади. Масалан, ёш ва гўзал қиз бирор кишининг электрон почта манзилини топиб, уни ёқтириб қолгани, у билан танишмоқчи экани ва кўришиш учун йигит яшайдиган мамлакатга бориш истагини билдиради. Йигит ҳам рози бўлади. Охирги дақиқаларда эса "гўзал қиз" баъзи муаммолари чиқиб қолгани, унга виза ва чипта сотиб олиш учун пул зарурлигини айтиб, йигитдан ёрдам сўрайди (тахминан 1000 АҚШ доллари миқдорида). Ажабланарлиси, пул ўтказмасидан сўнг қиз бутунлай йўқолиб қолади.

Кибержиноятчилар бугунга қадар фойдаланиб келаётган интернет фирибгарлигининг яна бир кўриниши, бу нотаниш фойдаланувчиларга электрон хат юбориб, унда дунёнинг қайсидир бир мамлакатида пулдор қариндоши бўлиб, у вафот этгани ва ундан "жигар"ига катта миқдорда мерос қолгани тўғрисида ёлғон тўқишдан иборат. Адвокатлар унинг номидан иш бошлаши учун эса маълум миқдорда пул керак бўлиши, сўралган миқдорни ҳисоб рақамларига ўтказишлари лозимлигини маълум қилишади. Одатда бу миқдор ҳам 1000 АҚШ доллари атрофида бўлади. Келаётган миллиардлар олдида минг нима деган гап. Бу каби ёлғонларга ишонувчилар ҳам учраб туради. Улар "осмондан тушган" мўмайгина даромадга эга бўлиш истагининг шу қадар кучлилиги сабаб фирибгарлар сўраган "арзимас" суммани уларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб, чув тушиб қолмоқда.

Замон қанчалик ривожланиб, инсоният учун турли қулайликлар кўпайгани билан, афсуски, олдида турган муаммолар камайгани йўқ. Аксинча, кутилмаган, янги кўринишдаги жиддий хавф-хатарлар бўй чўзиб, олиму мутахассисларни жиддий мушоҳада қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга мажбурламоқда.

**Сурайё СИРОЖИДДИНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

## БОЛАЛАР УЧУН ПЛАНШЕТ




**"Polaroid" компанияси кичик ёшдаги болалар учун 7 ўлчамли Android 4.0 планшетини ишлаб чиқарди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжумани ҳақида компания сайтида батафсил маълумот берилди.**

Мазкур қурилманинг "катта" авлодларидан фарқи — планшетда "ота-она назорати" дастури ҳамда болалар учун мўлжалланган янги ўйинлар ҳам ўрин олган. Бу ўйинларнинг афзаллиги шундаки, улар болаларни турли номақбул тармоқлардан ҳимоя қила олади. Шунингдек, планшетга мусиқий жавон, ўнта интерфаол китоб, фотомуҳаррир, видео, расм чизиш дастурлари ҳам жойлаштирилган.



Қурилмага Cortex A 8 гигагерцли процессор ўрнатилган бўлиб, аппарат 2 мегапикселли камера ва SD-карт учун слот, Wi-Fi, USB дастурлари, 512 мегабайтли оператив ҳамда саккиз гигабайтли ички хотирага эга. Айни дамда Polaroid сайтининг интернет-дўконларида сотувга қўйилган мазкур планшетнинг нархи 149,99 АҚШ доллари миқдорида баҳоланган.

Болалар учун мўлжалланган бу каби қурилмалар бошқа компаниялар томонидан ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Асосан расм чизиш учун мўлжалланган Boogie Board ҳамда LeapPad планшетлари шулар жумласидандир.

## ШОКОЛАДНИНГ ЯНГИ ХУСУСИЯТИ

**Тромбоцитларнинг юқори даражадаги фаоллигидан томирларда тез-тез тромблар юзага келади. Уларнинг маромида ишлаши эса бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, истеъмол қиладиган маҳсулотларимиз ҳам бевосита ана шу тромбоцитлар фаолиятида муҳим роль ўйнайди.**



Буюк Британиянинг Абердин университети олимлари ўтказган тадқиқотлар натижасига кўра, инсон организми учун фойдали ҳисобланган шоколад юрак-қон томир тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган. Аччиқ шоколад истеъмол қилган одамнинг қон томирида сутли ёки оқ шоколад тановул қилганларга нисбатан тромбоцитлар меъёрида бўлиши кузатилган. Шу билан бирга, инсон саломатлиги учун 70 фоизли аччиқ шоколад фойдали эканлиги ҳам таъкидланади. "Molecular Nutrition Food Research" журналида ёзилишича, қора шоколад флавоноллларга бойлиги билан эркаклар организмида тромбоцитларни меъёрида ушлаб турар экан.

Шунингдек, мева ва сабзавотлар, чой, дуккакли ўсимликлар ҳамда турли зираворлар ҳам тромбоцитлар фаоллигини меъёрлаштириб турувчи маҳсулотлар сирасига киради.

## ЭНГ ТЕЗКОР МОБИЛ ПРОЦЕССОР

**"Nvidia" компаниясининг расмий сайтида хабар берилишича, янги тезкор процессор яратилди. Tegra 4 деб ном олган 72 график ядерли мазкур янги процессор смартфон телефонлари, планшет ва ноутбуклар учун мўлжалланган бўлиб, аввалги 12 ядерли процессорга нисбатан 6 баробар тезроқ ишлайди. "The Verge" манбасида келтирилишича, компания тақдим этган янги турдаги процессорларнинг катталиги бор-йўғи 28 нанометрни ташкил этади.**

Таъкидлаш жоизки, мазкур компания томонидан аввал ишлаб чиқарилган Tegra 3 процессорлари Microsoft Surface, Nexus 7, Asus Transformer, HTC One X ва бошқа смартфонларга жойлаштирилгани учун фойдаланувчиларнинг норозилигига сабаб бўлган эди. Норозилик мазкур процессорларнинг мобил ускуна батареяларини тезда қувватсизлантириб қўйишидан келиб чиққанди. Янги ишлаб чиқарилган процессор эса аввалгига нисбатан энергия сарфини деярли 45 фоизга тежайди. Бу эса келгусида смартфонлар орқали рақамли видео тасвирларни 14 соатгача узлуксиз томоша қилиш имконини беради.

## ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК ИНСОН МИЯСИНИ ЎСТИРАДИ

**Шу кунга қадар олимлар томонидан инсон мияси тузилиши, ишлаш механизмлари ҳақида турли мулоҳазалар илгари сурилган. Улар орасида миянинг ўсиши жисмоний тайёргарлик билан мувофиқлашиб туриши тўғрисидаги фараз ҳам мавжуд бўлиб, бу борада қатор тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда.**



Мутахассислар инсон миясининг чидамлилигини ўрганиш мақсадида энг аввало турли жониворлар ўртасида изланишлар олиб борган. Энг аввал сичқон, денгиз чўчқаси, бўри ва тулкининг мияси ўзаро таққослаб кўрилди. Бугунга қадар олинган таҳлил натижаларига кўра, бир қанча жониворларда мия чидамлилиги юқори даражада экани маълум бўлди.

Аризона университети ва Урбандаги Иллинойс университети (АҚШ) тадқиқотчилари томонидан "Proceedings of the Royal Society Biology" илмий журналида чоп этилган мавзуга доир мақолада воқеаларнинг навбатдаги ривожи ҳақида маълумот берилган. Олимларнинг сўзларига кўра, миянинг нейротрофик фактори BDNF (Brain-derived neurotrophic factor) дастлаб мускуллар фаолияти натижасида ишга тушиб, асаб толаларининг мустаҳкамлигини таъминлайди. Бироқ, олимларнинг таъкидлашича, миядаги асаб толаларининг меъёрдан ортиқ ўсиши кейинчалик уни ривожланишдан батамом тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин.

## JUMLADA JAHON

yangiliklari о'xabarlari

Перу шимолида нефть компанияларидан бирига тегишли вертолётнинг ҳаводаёқ ҳалокатга учраб иккига бўлиниши оқибатида 7 киши ҳалок бўлган, воқеа жойида эса қидирув ишлари олиб борилмоқда, дея хабар беради France-Presse ахборот агентлиги.

Associated Press ахборот агентлиги ҳукумат расмийларининг хабарига таяниб Америка Қўшма Штатларининг учувчисиз ҳарбий самолёти томонидан Покистоннинг Шимолий Вазиристон ҳудудида яширинган Ал-Қоида террорчилик гуруҳига мансуб 8 нафар жангарининг йўқ қилинганини маълум қилди.

АҚШнинг йирик банкларидан бири — Bank of America томонидан Fannie Mae ипотека агентлигига 10,3 миллиард доллар миқдорида ипотека кредитлари тўланиши маълум қилинди.

"Асахи Симбун" газетасининг ёзишича, эндиликда япон полициясига ишга киришни истаганларнинг ёлғон детектор орқали тестдан ўтиши йўлга қўйилиши муносабати билан ҳуқуқ-тартибот органлари расмийлари барча имкониятларни сафарбар этмоқда.

## ИНСУЛЬТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН

**АҚШ дори воситалари ва маҳсулотларини назорат қилиш бошқармаси (FDA) янги турдаги дори препаратини ишлаб чиқаришга рухсат берди. "Medpage Today" нашрида хабар берилишича, "Eliquis" деб номланган янги турдаги дори воситаси қон қуйилишининг олдини олишга мўлжалланган. Шуни таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг июнь ойида мазкур дори воситасини ишлаб чиқарувчи "Pfizer and Bristol-Myers Squibb" компаниясининг препаратни дастлабки синовдан ўтказиш учун рухсат беришни сўраб ёзган мурожаати рад этилган эди.**



"Eliquis" дори воситаси қоннинг қуюлиш эҳтимолини камайтириб, ферментли комплекслар билан ўзаро таъсирга киришиб, қон томирларида тромблар ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, бемор юрак бўлмасида эмболия (томирларнинг тўсилиб қолиши) пайдо бўлишининг олдини олади. Шундай қилиб, мазкур янги препарат беморларга инсультнинг олдини олиш учун тавсия қилинади.

Янги препаратнинг хавфсизлиги ва самаралорлигини аниқлаш мақсадида 18 минг беморда клиник тадқиқот ўтказилди. Мазкур тадқиқот натижаси эса унда иштирок этган қарийб барча бемор соғлиғида ижобий ўзгаришлар содир бўлганини кўрсатди.

**Г.ОРИФЖОНОВА, С.СИРОЖИДДИНОВА тайёрлади.**

# ЛИРИК ФИҚРАЛАР

*Газета-журналларнинг обрўйини оширадиган, нуфузини билдирадиган ижодий куч, шубҳасиз, биринчи навбатда унда ишлайдиган қаламкашлардир. Бироқ, фақат шунинг ўзигина кифоями? Йўқ, албатта. Чунки ҳар бир етук таҳририятнинг, таъбир жоиз бўлса, ишонган суянч тоғлари бўлади. Бу — нашрнинг доимий муаллифлари, яъни муаллифлар жамоасидир. У таҳририят томонидан йиллар давомида шакллантириб борилади. Янги, фикрлайдиган, изланувчан, истеъдодли муаллиф "топилгач", у қўлдан чиқариб юборилмаслиги, редакция томонидан ҳамиша эътиборда бўлиши лозим. "Ma'rifat" синовдан ўтган ана шу йўлни маъқул деб билади.*

*Газетамиз янги-янги муаллифларни "кашф этиш"ни анъанага айлантирган. Ёш, изланувчан, истеъдодли ижодкор Севара Мусаева шулардан биридир. Севарани газетхонлар анча таниб қолган. Айниқса, унинг лирик фикралари кўпчилик эътиборини тортган. Бу ҳассос қалам соҳибасининг бугун эълон қилинаётган лирик фикралари ҳам Сизга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.*

**Маҳмуд САЪДИЙ**

## ҚЎЛЛАР...

Бу қўллар... Бу қўллар ҳали кўп ишга қодир...

Кўз нурини кетказиб бир-биридан чиройли лойиҳаларни чизади...

Бу қўллар...

Оқ қоғозга нигоҳлари илғаган барча нафис тасвирларни бенуқсон туширади. Кафтингизда бармоқларининг иссиқ тафти қолади...

Бу қўллар пианино чалар, овқат қилар, тикиш тикар, пиширар — яхши ишларни қилишга ҳар дам тайёр.

Бу қизнинг дилида орзулари кўп.

Уни орзуларига мана шу заҳматкаш қўллар етаклайди ҳали...

Бу қўллар бир инсон ҳаётини асраб қолади ёхуд барига нуқта қўяди.

Бу қўллар қилган ишлардан кимдир бутун умр азобда қолади...

Бу қўллар дурадгор, бу қўллар санъаткор...

Бу қўллар... Бу қўллар ҳали кўп ишга қодир...

## ҚУТҚАРИНГ, ЁНАЯПМАН...

Қутқаринг... Ёнаяпман...

Оловсиз ёнаман...

Пушаймонлар алангаси мени ютиб юбормокда...

Юрагимга орзулар яқинлашгани сари мендан узоқлашаётгандек...

Ёнаяпман...

Кеча сўнгги чорани қўлдан бой бердим. Вужудда нимадир етишмас, танамда эса ожизлик илондек судралмоқда.

Сабр алангага айланди. Бориб ушлайман десам, куйдирди, аёвсиз ёндирди... Қўлим жароҳатланди, руҳимда эса беморлик...

Сабримни асрай олмадим... Майли, дедим, бемор бўлиб, соғ бўлгандан кўра руҳ тозалиги ила хаста бўлганим афзал дедим...

Ёндим... Қалбимдан изоҳли луғатлардан топилмайдиган сўзлар отилиб чиқади! Баъзан маъносини юрак ҳам тушунмайди.

"Ўзи, нимадан олов чиқди?" деяётгандирсиз?!

Аламдан ёнғин чиқди!

Кундалигимга ёзавердим, ёзавердим...

Қўлларим титради...

Юрагим зирқиради...

Томоғим бир ютиниб қўйди...

Аламим эса бир дона гугурт чўпига айланиб, бутун руҳиятимга ўт қўйди, юрагимни куйдирди. Аланга олиши учун бир сония етарли бўлди...

Энди уни ўчириш учун бутун умрим, ижодим қурбон бўлади...

## ТАҲЛИКАДАГИ ТУЙҒУ

Қалбда нафрат тўла соғинч...

Шу нафрат билан кунлар, ойлар ўтмокда, умр ўтмокда...

Томирларда қон ўрнига изтироб, юрак товушлари ўрнига умид...

Хаёлларимга ой ҳамроҳ!

Кўзларимга эса интиқлик...

Соғинч... Ниҳоясиз нафрат...

Бу нафрат шунчалар қадрдон бўлиб қолганки, уни юракда сақлаш менга малол эмас...

Соғинч... Иликкина бир сўзсан...

Сенинг тафтингда исмимни ҳам унутаман.

Сен туфайли кўзим дунёни илғаб бормоқда, борса келмас, келса қайтмас, манзили йўқ йўлга отланмоқда, ҳамроҳи эса нафрат...

Оҳ, соғинч...

Сен қўлларида дастрўмол билан ёрини интизор кутаётган қизнинг кўнглида, ҳатто оқшомга интиқ бутун борлиқ — ерда ҳам борсан...

Ерда тонгги шабнам соғинчи бор-у, менда бўлмасинми?!.

## СУРХОН ИФОРИ

Бугун онамдан хат келди... Онамдан хат.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ундан онамнинг ифори келади.

Хатни ҳидладим...

Тўйиб-тўйиб ҳидладим...

Қанчалар хушбўй...

Онам ифори...

Сурхон ифори...

Неларнидир ёдимга солади.

Хаёлларимга ғалати ўйлар келади.

Мактубни очиб, табассум ила ўқий бошлайман.

Охирида... йиғлаб тугатаман...

Мактубга жавоб ёза бошлайман. Бир қўлимда онамнинг хати...

Кўзларим ёмғирдай севалайди.

Онамни жуда соғиндим.

Соғинчимни ифодалашга қалам ожиз...

Онажон... Хаёлларим уммондек тошаяпти...

Бошимни қайси деворга уришни билмай қолдим.

Йўқ, атроф тўла деворлар, фақат бошимни уришга шижоат, ирода йўқ, холос...

Онажон инсон умри чолғу асбобига ўхшайди. Ҳар ким хоҳлаган куйини чалади.

Кимнингдир куйи бир лаҳзалик, кимнингдир куйи мангу...

Кимнингдир куйида садоқат, ишонч, ёлғизлик, бахт, нигоҳлар йиғлайди.

Кимнингдир куйида ҳаёт, кўнгил деб аталмиш улуғ даргоҳ таскин топади. Менинг умрим қандай?..

## ТАРЖИМОН

Бу дунё ранг-баранг! Унинг ҳар бир рангини қадрламоқ керак.

Мана, қўлимда бир даста турли рангдаги қаламлар тўплами.

Қора ранг тунни, сариғи қуёшни, яшил ранг дарахтларни эслатади.

Жигарранг шоколадга, қизили қувончга ўхшайди.

Қаламлар, рангли қаламлар... Одамларга ўхшайди улар, фақат тили, жони йўқ...

Қўлларимга бирма-бир олиб, уларга жон бераман, турфа хил расмлар чизаман. Шунчалар чиройли, шунчалар нафиски, сеҳридан ҳатто қоғозларнинг ҳасади келади... Қаламларда сурат чизаман, гўёки уларга тилмочман. Улар айтмоқчи бўлган сўзлар, туйғуларни мен айтаман, қандай бўлса, шундайлигича...

Уларга содиқман.

Аммо инсон тилига, инсон дилига тилмоч йўқ, содиқ тилмоч йўқ!

## КЎЗЛАРИ ҚИЗАРГАН...

Кўзлари...

Унинг кўзлари қизарган... Дунёни кўришдан ҳам чарчаган ҳатто...

Юзлари...

Юзларида хавотир, сарғинлик... Гўё ажинлар ҳам ундан юз ўгирган...

Қадамлари...

Худди энди қадам босишни ўрганаётган гўдакка ўхшайди. Гулзордаги гул узилиб, ерга сочилиб кетган-у, қадамлари уларни пайқамай босиб ўтмокда...

Аслида, унинг юраги, умиди узилиб, сочилиб кетган...

Табассуми синиқ, маъюс...

Аммо мана шу ожиз табассуми билан дардларини беркита олади...

Кўнглида пушаймонлик ҳокимлигини кўзларидан билиш мушкул эмас. Чунки унинг кўзлари қизарган... Дунёни кўришдан ҳам чарчаган ҳатто...

Қадамлари оғир... Оғир дақиқалар... Оғир хотиралар...

Шунчалар оғирки, манаман деган паҳлавон ҳам уни кўтаролмайди...

Бироқ мана шу қизгина шунчалар оғир дардни елкасида тутиб турибди...

Ёлғиз қолишни истайди. Ҳар дам унга ёлғизлик ҳамроҳ...

Чунки у ҳамма нарсадан, ҳаммадан юз ўгирган. Шунинг учун ҳам кўзлари қизарган, дунёни кўришдан чарчаган улар...

Агар ёлғизликдан ҳам юз ўгирса, унда ожизлик қилган бўларди.

Ёлғизлик...

Ёлғизлик мангу танҳолик билан ўлчанишини биларди, сезарди, аламини кўз ёшлардан оларди. Балки шунинг учун унинг кўзлари қизарган, дунёни кўришдан чарчагандир...

## АСКАР...

Она! Онажоним менинг...

Охирги марта сиз билан қачон тўйиб суҳбатлашганимни эслай олмайман... Ташвишлар ўраб олган мени...

Ўқиш, оила, бола...

Йўқ, йўқ, яхши ташвишлар, онажон...

"Болалик" деганда инсонларнинг кўз олдига яхши кўрган қуғирчоғи келса керак... Менда эса, бошқача...

Ҳар гал бебошлигимни эсласам, бир текис қилиб сариёғ суртилган нон-у, уни маза қилиб қурсоғимга жойлаб, жилмайиб турган ҳолатим гавдаланади...

Энди тушунаяпман, ана шу табассумим ёқарди онамга...

## Va'da

Севинчим, изтиробим, қайғуйим бари онам билан!

Ўйнаб, бирор жойимга зарар етса борми, юпатарди онам:

— Ўтиб кетади, кўрмагандай бўласан, болам...

— Сенинг дардингни Оллоҳ менга берса бўлмасмиди...

Дардлар, ташвишлар, ҳаммаси унутилар, яна болалик шўхлигига ғарқ бўлардим, чунки ёнимда ҳар дам онам бор, яна дилдан бу гаплар айтилиши аниқ эди.

Оҳ, қани энди, умрбод шундай бўлса...

Шоирлар, ёзувчилар ҳар дам хитоб қилади: "Оналарни асранг!".

Ҳа, онани аскардай асранг!

Бизни эҳтиёт қилганлари каби авайланг, уларни.

Аммо бундай авайламоқ туйғуси фақат она юрагида бўлади...

Майли, шундай бўлса-да, уларни бир аскардек асранг!

## МАКТУБЛАР

У турмушга чиқмади...

Аммо ҳозир туғруқхонада...

Тўйсиз, никоҳсиз... Ўйлагандики, ўрталарида севги, муҳаббат бор деб.

"Онажон, бир ҳафтадан бери шу ердаман, уйга болам билан боришга... Отамдан қўрқаман, ҳалиги, олиб кетасизми?".

Қанчалар аянчли хат. Фарзандини на у ёққа, на бу ёққа қолдиролмай аросатда қолгани, манзили йўқ бўлса-да, бирор йўл, чора ахтараётгани сезилиб турибди...

***

"Салом, отажон!

Соғлигингиз яхшими? Уйдагилар — онам, опам, синглим омонми? Мен яхшиман. Сессияларимни "аъло" баҳоларга якунлаяпман, ҳа демай бориб қоламан.

Салом билан ўғлингиз Д.".

Мактуб охирида зарурат юзасидан керак бўлиб қолгани айтилиб, 200 минг сўм пул ҳам сўралган эди.

Отасидан жавоб хати келди.

"Ўғлим, сенга қўшнимиз Фарҳоддан 200 минг сўм пул жўнатдим. Соғ бўл!".

Етти ойдан бери ота-онасидан хабар олмаган ўғилнинг мактуб ёзишдан мақсади, аслида, ҳам шу эди!

## ТУШ КЎРИБМАН...

Тушимда бошқача ҳаётга тушиб қолибман...

Бозорда бахт сотилар эмиш.

"Бу дунёда ким ҳам бахтли бўлишни истамайди?!" деб, бозор айландим.

Бир-биридан чиройли, ранг-баранг бахтларни кўрдим...

Сотувчининг олдига бориб сўрадим:

— Кечирасиз, сизда оқ рангли бахт борми?

— Йўқ, унақаси тугаганди...

— Унда яшилми, қора ранглисими борми?

— Йўқ, кечагина тугади-я, ўзи нечта оласиз? Эртага сариқ рангли бахтларни олиб келамиз, келинг... — деди.

Кулгили-я?!

Эртага бунақа туш кўролмайман-да деб, уйғониб кетдим...

Кўзларимни очсам — тонг, қуёш чараклаб чиққан...

Агар билсангиз, қуёшнинг сап-сариқ, заррин нурларини кўришнинг ўзи бир бахт...

**Севара МУСАЕВА**

# ЎЗБЕКИСТОН – ҲАЛОЛЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ

## ФИФАнинг бош тадбирида мазкур сўзлар дунё бўйлаб янгради





**Осиё футбол конфедерацияси томонидан таъсис этилган "Ҳалол ўйин" номинациясини қўлга киритган Ўзбекистон футбол федерациясига ФИФА томонидан ҳам "Fair play" соврини топширилди.**





**Самарқандлик Фарида Ашурова чеварликни яхши даромад манбаига айлантириб, турмушига кут-барака, оиласига фаровонлик олиб кираётган тадбиркор аёллардан.**

# ТУРМУШИН ОБОД ЭТИБ



Якка тартибдаги тадбиркор Ф.Ашурова атлас, адрас, шойи каби матолардан турли бичим ва хилдаги миллий либослар тикишни йўлга қўйган. Унга фарзанди — Самарқанд маиший хизмат касб-ҳунар коллежида таълим олаётган Фариз Насимов ёрдамчи. У онасидан шу соҳанинг нозик қирраларини кунт билан ўрганмоқда. Мазкур хонадонда тайёрланаётган чеварлик маҳсулотлари янгича шакл ва дизайндалиги, чокларнинг пишиқ, мустаҳкамлиги билан буюртмачиларга манзур бўлаётир.

Моҳир чевар Ф.Ашурова ўзи истиқомат қилаётган Самарқанд шаҳри "Дўстлик" маҳалласидаги тикувчиликка иштиёқи баланд қизларга чеварлик сир-асрорларидан сабоқ беради. Унинг саксондан ортиқ шогирди ҳозир мустақил фаолият юритмоқда.



**Суратларда: тикувчи Фарида Ашурова ўғли Фариз Насимов ҳамда шогирди Камола Мустафоева билан.**

**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Ma'rifat

*TA'SIS ETUVCHILAR:*

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-118. Tiraji 69082. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

*Reklama materiallari uchun tahriryat javobgar emas.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Ma'mur AHLIDINOV, Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir: Hamza ABDULLAYEV.

Navbatchi: Jo'rabek JANGIROV.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 22.25

Topshirildi — 22.30